

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ПЕДАГОГИКА ФАКУЛТЕТИ

БОШЛАНГИЧ ТАЪЛИМ УСЛУБИЯТИ КАФЕДРАСИ

***ТОЖИҚУЛОВА ЎРИНГУЛ ТОЖИҚУЛОВНИНИНГ***

5141600 - БОШЛАНГИЧ ТАЪЛИМ ВА СПОРТ-ТАРБИЯВИЙ ИШ ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШИ БЎЙИЧА  
БАКАЛАВР ДАРАЖАСИНИ ОЛИШ УЧУН ***«КИЧИК ЁШДАГИ ЎҚУВЧИЛАРДА  
АХЛОҚИЙ ФАЗИЛАТЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВОСИТА ВА УСУЛЛАРИ»***  
МАВЗУСИДА ЁЗГАН

**БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ**

Рахбар: п. ф. н., доц, Р. Н. ЭРГАШЕВ

*ГУЛИСТОН – 2014*

## М у н д а р и ж а

К И Р И Ш.....	3
I боб. КИЧИК ЁШДАГИ ЎҚУВЧИЛАРДА АХЛОҚИЙ ФАЗИЛАТЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ-ПЕДАГОГИК АСОСЛАРИ.....	7
<b>1.1. Кичик ёшдаги ўқувчиларда ахлоқий фазилатларни шакллантириш мазмуни, мақсад ва вазифалари.....</b>	<b>7</b>
<b>1.2. Бошланғич синф ўқувчиларини ахлоқий тарбиялаш тамойлари, восита ва усуллари.....</b>	<b>18</b>
II боб. КИЧИК ЁШДАГИ ЎҚУВЧИЛАРДА АХЛОҚИЙ СИФАТЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ТАЖРИБА-СИНОВ ИШЛАРИ.....	35
<b>2.1. Ўқув-тарбия жараёнида кичик ёшдаги ўқувчиларда ахлоқий сифатларни шакллантириш имкониятлари.....</b>	<b>35</b>
<b>2.2. Синфдан ва мактаб ташқари ишларда кичик ёшдаги ўқувчиларни ахлоқий тарбиялаш восита ва усуллари.....</b>	<b>42</b>
ХУЛОСА ВА МЕТОДИК ТАВСИЯЛАР.....	51
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	55

## К И Р И Ш

**Муаммонинг долзарблиги.** Давлат таълим ва тарбия сиёсатининг устувор вазифаларидан бири мажуд барча омиллардан, яъни халқимизнинг бой маънавий-маданий мероси, миллий ва умумбашарий қадриятлар асосида ўсиб келаётган ёш авлодни баркамол инсон этиб тарбилаш, уларда юксак маънавий-ахлоқий фазилатларни шакллантиришдан иборатдир. Таълим тизимини тубдан ислоҳ қилишдан кўзланган асосий мақсад ҳам уни эски мафкуравий қарашлардан мутлоқ фориғ этиш, ўсиб келаётган ёш авлодни ўз юртининг фидойиси, ватанпарвар, маънавий-ахлоқий жиҳатдан етук инсонлар этиб тарбиялашдир. [1,2, 3]

Президент И.А.Каримовнинг таълим-тарбияга доир асарлари ва нутқлари, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида баркамол авлодни вояга етказиш, уларда маънавий-ахлоқий фазилатларни шакллантириш, уни амалга оширишда ўқитувчи ва мураббийларнинг роли, бобокалонларимизнинг бой маънавий-маърифий мероси, миллий ва умумбашарий қадриятлар, маданий ёдгорликлар, тарбиянинг самарали усул ва воситаларидан оқилона фойдаланиш зарур эканлиги алоҳида қайд этилади. [1,2, 3, 4]

Таълим муассасаларида ўқувчилар тарбияси масаласига эътибор берилаётган бўлсада, бу борада ўз ечимини кутаётган муаммолар талайгина. Тадқиқот ишлари, илмий изланишларда кўпроқ таълимий муаммолар, янгича ўқитиш технологиялари мавзулари устида баҳс юритилмоқда. Аслида, тарбияни биринчи масала даражасига олиб чиқиш, мақсадга мувофиқдир. Чунки, жамият равнақи учун фақат назарий билимларга эга бўлган, механик машина сингари вазифаларни бажарувчи касб эгалари эмас, балки юксак ҳис-туйғу, маънавий-ахлоқий фазилатларга эга шахслар зарур. Маънавий эҳтиёж ва дунёқараш, маданият ва ахлоқий фазилатларни таркиб топтириш орқалигина бундай шахсни тарбиялаш мумкин.

Кейинги йилларда таълим тизимининг барча бўғинларида таълим ва тарбия мазмунини тубдан ислоҳ қилинди. Мустақиллик шарофати билан

миллий кадриятлар, урф-одат, анъаналаримиз, ахлоқ-одоб, маданиятимиз кайта тикланиб, таълим-тарбия мазмунининг асосига айланди. Зеро, ўсиб келаётган ёш авлод ўз миллий кадриятларини, ахлоқ-одоб маданиятини ўзлаштириши ва уларга ҳурмат билан қараши лозим. Шундагина у ўз юртининг ҳақиқий вакили деган улуғ унвонга эга бўлади.

Ўзбек халқи тарихан тарбия соҳасида ўзига хос дорулфунун яратган. Бу борада халқ педагогикаси бой тажрибага эга. Бугунги кунда тарбия мақсад ва вазифаларини ҳал этишда унинг ўрни бекиёсдир.

Кейинги йилларда миллий-ахлоқий тарбия анъаналарига оид муаммолар юзасидан кўплаб тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Педагог олимларимиз томонидан яратилган бир неча рисола, қўлланма, илмий-тадқиқот ишлари бунга яққол мисол бўла олади. (Қ. Абдуллаева, А. Жўраев, Б. Жўраева, А. Зуннунов, Х. Искандаров, А. Мунавваров, Д. Убайхўжаев, К. Хошимов, О. Ҳасанбоева, А. Шожалилов, А. Эргашев, Т. Қурбонов, М. Қуронов, М. Очилов, Р. Ҳасанов, К. Ҳошимов, Сафо Очил ва бошқалар). Айниқса, «Халқ таълими», «Бошланғич таълим» журналларидан кўплаб мақолалар ҳам шу мавзуга бағишланган. [4 -29]

Ахлоқий тарбиянинг усул ва воситалари муаммосига бағишланган тадқиқот ишлари кўплаб учрасада, аммо улар асосан катта ёшдаги ўқувчи ва талабалар ўртасида маънавий-ахлоқий ишларни олиб боришга қаратилган. Лекин, кичик ёшдаги ўқувчиларни ахлоқий тарбиялашда қўлланиладиган усул ва воситалар ҳақида яхлит бир тадқиқот иши қилинган деб бўлмайди.

Қолаверса, кейинги йилларда тарбияга нисбатан таълимга эътибор кучайиб бормоқда. Тарбиянинг мазмуни мақсад ва вазифалари, уни амалга оширишнинг восита ва усуллари тадқиқот сифатида кўпчиликни қизиқтирмапти. Бунинг натижаси қандай ҳолатларга олиб келишини тасаввур этиш қийин эмас. Ваҳоланки, бизнинг халқимиз бола тарбияси соҳасида катта тажриба ва имкониятларга эга.

Муаммонинг долзарблиги, назарий-педагогик ва амалий ҳолатидан келиб чиқиб, биз битирув малакавий ишимизнинг мавзусини танладик.

Тадқиқот ишимизнинг **мақсади** - тарбиянинг қандай самарали усул ва воситалари кичик ёшдаги ўқувчиларда ахлоқий фазилатларни шаклланишига таъсир кўрсатишини аниқлаш.

Тадқиқот ишимизнинг **объекти** - кичик ёшдаги ўқувчи шахсини тарбиялаш жараёни, **предмети** - кичик ёшдаги ўқувчиларда ахлоқий сифат ва фазилатларини шакллантиришнинг мазмуни, уни амалга оширишнинг самарали усул ва воситаларини аниқлашдан иборат.

Муаммонинг долзарблиги, мақсади, объект ва предметидан келиб чиққан ҳолда тадқиқот ишимизнинг қуйидаги **вазифаларини** белгилаб олдик:

1. Кичик ёшдаги ўқувчиларни ахлоқий тарбиялашнинг мавжуд назарий ва амалий ҳолатини ўрганиш.
2. Кичик ёшдаги ўқувчиларда ахлоқий фазилатларни шакллантиришнинг мазмуни, мақсад ва вазифаларини аниқлаш.
3. Бошланғич синф ўқувчиларида ахлоқий сифатларни шакллантириш қонун-қоидалари, уни амалга оширишнинг восита ва усулларини таснифлаш.
4. Бошланғич синф ўқувчиларини ахлоқий тарбиялашнинг педагогик шарт-шароитларини назарий ва методик жиҳатдан асослаш;
5. Тўпланган назарий-методик маълумотлар ва тажриба-синов иши натижалари асосида мавзуга доир услубий тавсиялари бериш.

Тадқиқот ишимизнинг **базаси** сифатида Сирдарё вилояти Гулистон шаҳридаги ..... -сонли умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синфлари хизмат қилди. Тажриба-синов ишида 11 нафар бошланғич синф ўқитувчилари ва 63 нафар бошланғич синф ўқувчилари иштирок этдилар.

Педагогиканинг қуйидаги **тадқиқот методларидан** фойдаланилди: муаммога доир илмий адабиётларни таҳлил этиш, кузатув, анкета, сўров, интервью, илғор бошланғич синф ўқитувчиларининг тажрибаларини ўрганиш, педагогик эксперимент, математик-статистик таҳлил ва бошқалар.

Тадқиқот ишимизнинг **янгилиги ва назарий аҳамияти** шундан иборатки, биз унда бошланғич синф ўқувчиларида ахлоқий фазилатларни

шакллантиришнинг мақсад ва вазифаларини, уни амалга оширишнинг самарали восита ва усулларини очиб бердик. Бошланғич синфларда таълим ва ахлоқий тарбиянинг узвийлиги, синфдан ва мактабдан ташқари шароитларда ахлоқий тарбиянинг самарали усул ва воситаларини тажриба-синов ишлари натижалари билан асосладик.

Ишимизнинг **амалий аҳамияти** шундаки, тўпланган назарий маълумотлар ва синов-тажриба натижаларидан бошланғич синф ўқитувчилари ҳамда талабалар ўқувчиларни ахлоқий тарбиялашда самарали фойдаланишлари мумкин.

Белгиланган тадқиқот мақсади ва вазифаларини ҳал этиш битирув малакавий ишимизнинг мазмунини ташкил этади. Битирув малакавий иш ўз ичига кириш, икки боб, унинг тўрт қисми, хулоса ва методик тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатини олади.

## I боб. КИЧИК ЁШДАГИ ЎҚУВЧИЛАРДА АХЛОҚИЙ ФАЗИЛАТЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ-ПЕДАГОГИК АСОСЛАРИ

### **1.1. Кичик ёшдаги ўқувчиларда ахлоқий фазилатларни шакллантириш мазмуни, мақсад ва вазифалари**

Президент И. Каримов ўзининг «Юксак маънавият – енгилмас куч» номли асаарида ўзбек халқининг бой юксак маънавияти, унинг ажралмас қисми бўлган ахлоқий маданиятни ўсиб келаётган ёш авлодда шакллантириш омиллари, восита ва усулларини батафсил ёритганлар. Бугунги кунда ёшларимизни маънавий-ахлоқий тарбиялаш мазмуни миллий ва умумбашарий қадриятлар асосида бойитишимиз, уни амалга оширишда халқимизнинг бой мероси, самарали восита ва усулларидан фойдаланиш зарурати мамлакатимизда олиб борилаётган давлат таълим сиёсатининг долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. (1,2, 3)

Тарбия ижтимоий ҳаётнинг узлуксиз тушунчаси бўлиб, у тарихий характерга эгадир. Қадимги Грецияда ва Римда тарбиянинг мақсади ўсиб келаётган ёш авлодни яхши фазилатларга ўргатиш, унда фуқаролик, ватанпарварлик, жаъсурлик, садоқат, дўстлик каби сифатларни ривожлантириш бўлган.[24,26]

Ўрта асрларга келиб ёш авлодда диний эътиқод, иймон, маънавий-ахлоқий фазилатларни шакллантириш зарурати тўғилган. Марказий Осиё халқлари бу йўналишда катта мувафакқиятларга эришган. Бу давр буюк мутафаккирларни дунёга келтирди. [16,20]

Сиёсий-ижтимоий тузум ўзгариши билан тарбия мақсади муаммоси ҳам янгиланиб борди. Маълум муддат бизнинг ҳаётимизга ёд бўлган сиёсий-мафкура кириб келиб, ўз ҳукмини ўтказишга ҳаракат қилди ва ёшларимиз онгига уни сингдириш ўша давр тарбиянинг бош мақсади бўлиб хизмат қилди. Бугунги кунда унинг руҳий асоратларидан тўлиқ қутилдик. Ушбу мафкура 70 йилдан ортиқ ҳукмронлик қилиб келди. Бу даврда таълим соҳасида бир қанча ютуқларга эришган бўлсақда, лекин, жуда кўплаб

маънавий-ахлоқий кадриятларимиздан йироқлаштириш тарбиянинг бош вазифаларидан бири бўлди. Жумладан, миллий кадриятларимиз, маънавий-маърифий бойликларимиз, диний эътиқод ва иймонимиз каби кўплаб тарбиявий озуқа воситаларимиздан фойдаланишга изм берилмади. [ 26,28 ]

Мустақиллик шарофати билан эркинликка эришдик, бой маънавий кадрият ва анъаналаримиз қайта тикланди. Ҳаммамиз азалдан орзу қилган кунларга етишдик. Ўзбекистоннинг эртанги куни, равнақи, ривожланган демократик давлатлар қаторидан жой олиши албатта ўсиб келаётган баркамол ёш авлодга боғлиқ. Бунинг учун ёш авлодга дунё стандартлари даражасида замонавий билимлар бериш, уларни ҳар томонлама маънавий-ахлоқий етук шахс этиб тарбиялаш устивор масалалар қаторига кирди. [1,2 ]

Президентимиз И.А. Каримовнинг бир қанча асарларида, «Таълим тўғрисида» ги қонун, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ва бошқа манбаларда республикаимиз ёшларини ҳар томонлама етук, баркамол инсонлар қилиб тарбиялаш вазифалари аниқ белгилаб берилган. [1,2,3 ]

Бугунги кунда *тарбиянинг асосий мақсади – ёш авлодни ҳар томонлама етук, баркамол инсонлар этиб шакллантиришдан иборат.* Баркамол инсон ўзида маънавий ва жисмоний етукликни мужассам этади. [13, 16, 20 ]

Ёшларимизни тарбиялаш учун биринчи галда Шарк мутафаккирларининг мерослари дастуриламал бўлиб хизмат қилади. Ал-Фаробий, А.Яссавий, Б.Нақшбандий, Ал-Бухорий, Беруний, Ибн Сино, ал-Хоразмий, ал-Фарғоний, Фирдавсий, А.Темур, А. Навоий ва Бобур сингари жаҳонга таниқли бир неча мутафаккирларнинг ижтимоий-сиёсий, фалсафий, педагогик, ахлоқий қарашларига таяниб иш кўрилса тарбия таъсирчанлиги янада мукамаллик касб этади. [13, 14, 15, 16, 19, 23, 27, 28, 30, 33, 34]

Ёш авлодни тарбиялаб вояга етказиш – бизнинг муқаддас бурчимиз, орномусимиз. Лекин, баркамол инсонни тарбиялаб етиштириш оддий, осон иш эмас. У кўплаб, ойлаб, йиллаб меҳнат қилишни, сабр-тоқатни, чидам ва қатъиятлиликни, иродани талаб этади.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури таълим тизимини тубдан ислох этиб, Республикамиз истиқболини белгиловчи ёшларни ҳар томонлама етук, баркамол шахс, ривожланган демократик давлатлар даражасида рақобатбардош кадрлар этиб тайёрлашни олий мақсад қилиб қўйди. Бундай инсон, касб-ҳунар эгаси оилада, мактабда ва бошқа таълим тизими жабҳаларида таълим–тарбия олади. [ 1,2 ]

Тарбиянинг олий мақсадига эришиш учун маълум *вазифаларни* бажаришимиз лозим бўлади. Бу вазифаларни эса тарбиянинг таркибий қисмлари деб аташ ҳам мумкин: миллий-мафкуравий, ғоявий, ҳуқуқий, ақлий, ахлоқий, меҳнат, эстетик, иқтисодий, экологик, жисмоний тарбия. Тарбиянинг ҳар бир таркибий қисми олий мақсадга хизмат қилиши билан бир қаторда ўз мазмуни ва вазифаларига эга. [17,18,20,24]

*Миллий-мафкуравий тарбия* – ўқувчиларда миллий истиқлол ғоясига, умумбашарий ва миллий қадриятларга содоқат, ватанпарварлик ҳис-тўйғуларини шакллантиришга қаратилган жараён дир. [1,2,4]

*Ҳуқуқий тарбия* - ўз ҳақ-ҳуқуқларини билладиган, уларни ҳимоя қила оладиган, мустақил фикрлайдиган, сиёсат ва инсон ҳуқуқини чуқур билладиган, конституция қонунларига амал қиладиган, ўз фуқаролик бурчларини яхши ҳис этадиган ёшларни тарбиялашга қаратилган.[17,18,24]

*Ақлий тарбия* - баркамол инсон тарбиясининг етакчи таркибий қисми бўлиб, ўқувчи ёшларни табиат ва жамият, киши тафаккури ҳақидаги билимлар тизимини илғаб олиши, уларда илмий дунёқараш, юқори онглилик ҳислатларини парваришлаш, фан асосларидан хабардор қилиш, тафаккур ва нутқ қобилиятларини ўстиришни мақсад қилиб қўяди. [7,8,24]

*Ахлоқий тарбия*. Ахлоқ – ижтмоий онг шаклларида бири бўлиб, инсоннинг жамиятга, меҳнатга, бошқаларга ва ўз-ўзига нисбатан бўлган муносабатларини тартибга солиб турувчи ҳуқ-одоб қонун-қоидалари, меъёрлари мажмуидир. Ана шу ҳуқ-одоб қонун-қоидаларини ўқувчилар онги, ҳаёти, турмуш тарзига сингдириш учун кўрсатилаётган таъсирга ахлоқий тарбия дейилади. [11,12,17,18,20,21]

Мукулмон ахлоқининг асослари мазмунан бой ва ранг-баранг кўринишларда ўзлигини намоён этади. Марказий Осиё халқлари ахлоқшунослик соҳасида энг бой тажрибага эгадирлар. Қуръони каримда ва Ҳадису шарифлардаги ахлоққа оид ибратли кўрсатмалар, маслаҳатлар, ота-боболаримиз яратган маънавий мерослар, мутафаккирларимизнинг ахлоқ ҳақидаги яратган маънавий мерослари бугунга қадар ҳам уз кадр қимматини йўқотгани йўқ. Ахлоқий тарбия энг муҳим инсоний фазилатларни шакллантиришга қаратилган жараёнди.<sup>[8,10,15,16,27,28,31]</sup>

**Меҳнат тарбияси.** Меҳнат ва меҳнат тарбияси инсон камолотининг асоси, ҳаёт манбаи, умур мазмуни ҳисобланади. Меҳнат тарбиясидан кўзланган мақсад аввало меҳнатнинг моҳиятига, мазмунига теран нигоҳ ташламоқ, муайян хулоса чиқаришга ўргатишдан иборат. Меҳнат қилаётган киши ўзи бажараётган ишнинг натижаларини кўрса, ҳис қилса, ўша натижалардан айниқса, роҳатлансагина меҳнат тарбиявий аҳамият касб этади.<sup>[17,20]</sup>

Доно халқимиз, алломаларимиз меҳнат ҳақида жуда кўплаб фикрлар айтишган. Ҳақиқатда ҳам меҳнатсеварлик доимо улуғланган, дангасалик, меҳнатсиз бойлик орттириш қораланган. Меҳнат муҳтожликдан, бекорчиликдан, юрак сиқилишдан, ахлоқий бузилишдан сақлайди. Меҳнат орқали инсон ўзини, ўз кадрини билади, уни эл-юрт улуғлайди.<sup>[13,14,16]</sup>

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг бош вазифаларидан бири ҳам ёш авлодни ҳаётга, меҳнатга тайёрлаш, уларни аниқ бир касб-ҳунар эгаси қилиб тарбиялашдан иборатдир. <sup>[1,2,5]</sup>

**Эстетик тарбия.** Эстетика лотинча «Ectetikos», яъни «ҳис этаман» деган маънони билдиради. Ақлий, ахлоқий, меҳнат, жисмоний ва бошқа тарбияларни эстетик ҳис-туйғусиз тасаввур этиб бўлмайди. Эстетик тарбиянинг мақсади - ўқувчиларни табиат, жамият ва санъатдаги гўзалликларни идрок этиш, уларни тўғри тушуниб етиш, қадрига етиш, ҳаётга қайта гўзаллик олиб кира олишга ўргатишдан иборатдир. Мактабда тасвирий санъат, мусиқа, адабиёт, табиатшунослик дарслари эстетик

тарбиянинг асосий воситалари ҳисобланади. Биз нафақат нарса ва ходисалар, балки инсоний хулқ-атвор, фазилатларни ҳам эстетик жиҳатдан баҳолашимиз мумкин. Инсоний гўзаллик ақл, бурч, иймон, инсоф, камтарлик, латофат, лафз, меҳмондўстлик, меҳр, мулойимлик, поклик, яхшилик ва ҳақозо сифатларни ўзида намоён қилади. [11,17,20,24]

Эстетик тарбия гўзалликдан завқланишга, хуникликдан нафратланишга, кулгиликдан кулишга, фожеаликдан истиробга тушишга ўргатади. Бу ҳолатларни киши ҳаёт ва санъат воқеалиқларида учратиши мумкин.

**Иқтисодий тарбия.** Бозор иқтисодиётига ўтаётган бир пайтда ёшларда иқтисодий тафаккурни тарбиялаш муҳим аҳамиятга эгадир. Иқтисодий тарбия ўқувчиларда тежамкорлик, меҳнатсеварлик, ташаббускорлик, ишбилармонлик, иқтисодий ҳисоб-китоб ва айни шу қабилар ҳақида фикрлай олиш каби қобилиятларни камол топтиришдир.

Иқтисодий тарбия мактабда асосан табиий-математик фанлар асосида берилади. Унда ўқувчилар ишлаб чиқаришнинг турли соҳалари, бозор, оила бюджети, иқтисодий география, маркетинг каби кўплаб замонавий тушунчалар билан қуролланадилар. [17,20,24]

**Экологик тарбия.** «Экология» - юнонча сўз бўлиб, тирик мавжудодларининг яшаш шароити, уйи, жойи ва теварак-атрофдаги муҳит билан ўзаро муносабатлари ҳамда шу асосда юзага келадиган қонуниятларни ўрганадиган фандир. Баркамол инсоннинг муҳим фазилатларидан бири унинг экологик маданиятидир. Экологик маданиятга эга шахс барча тирик мавжудодларнинг яшаш шароити, муҳити қонун-қоидаларини пухта билади, табиат мувозанатини сақлашга ҳисса қўшади, у атроф-муҳитга нисбатан бепарво бўлмайди, аксинча уни яхшилашга, соғломлаштиришга ҳаракат қилади. [10,15,17,20,24,28,34]

**Жисмоний тарбия.** Баркамол инсон нафақат маънавий жиҳатдан, балки жисмоний жиҳатдан ҳам етук бўлмоғи лозим. Шунинг учун ҳам жисмоний тарбия баркамол инсон тарбиясининг яна бир таркибий қисмидир.

Жисмоний тарбия ёш авлодни жисмоний жихатдан соғлом ўсишларини, бақувват бўлишларини ва ватанимиз ҳимояси учун қўрқмас, жасур, ҳарбий илмлар, қурол аслоҳатлардан фойдаланишни биладиган қилиб тарбиялашни ўзининг олий мақсади деб билади. [24]

Ўқувчиларга жисмоний тарбия мактабда ҳаракатли ўйинлар, гимнастика, спорт, туризм ҳамда синфдан ва мактабдан ташқари спорт машғулоти турилари воситасида берилади.

Юқорида қайд этилган тарбиянинг таркибий қисмлари ўз вазифаларини бажаришга қаратилганлиги билан бир қаторда, олий мақсадга, яъни баркамол шахсни шакллантиришга хизмат қилади. Улар бир-бирлари билан чамабарчас боғлиқ ҳолда амалга оширилиб, ўқувчи ёшларни маънавий-ахлоқий жихатдан тарбиялашга қаратилади. Ахлоқий тарбия баркамол шахсни шакллантиришда марказий ўринни эгаллайди.

**Ахлоқ, хулқ ва атвор** сўзлари арабча сўз бўлиб, улар ўзбек тилида ҳам ўз маъносиди ишлатилади. Ахлоқ нима ўзи? **Ахлоқ** – ижтимоий онг шакли бўлиб, ижтимоий ҳаётнинг ҳамма соҳаларида инсоннинг хулқ-атворини йўлга солиб турадиган принциплар, талаблар, меъёрлар ва қоидалар мажмуидан иборат. Ахлоқда жамиятда таркиб топган «яхшилиқ», «шараф», «виждон», «адолат», «тўғрилиқ», «ҳалоллик», «поклик» сингари тушунчалари мустаҳкамланган одамлар хулқ-атвори, меъёрлари акс этади. Бу ахлоқий тушунчаларнинг ҳаммаси ҳам баҳоланувчи ҳарактерга эга. [31]

Ёш авлоднинг ахлоқий тарбиясида ахлоқий онг ва ахлоқий туйғуларни шакллантиришигина эмас, балки энг муҳими – уларнинг **маънавий-ахлоқий муносабатларида** намоён бўладиган фаолиятнинг ҳар хил турларига жалб этиш мумкин. Мактаб ўқувчиларининг фаолияти жараёнидаги ахлоқий муносабатларида уларнинг одобли бўлиб тарбияланиш даражаси акс этади. А. С. Макаренко ўз вақтида бундай деб таъкидлаган эди: «Биз доимо муносабатлар билан иш кўрамиз, чунки худди муносабат педогогик ишимизнинг ҳақиқий объекти бўлганлиги сабабли, бизнинг олдимизда доимо иккита объект: шахс ва жамият туради. Шахсни жамиятдан ажратиб

қўйишнинг, уни муносабатлардан ҳоли қилишнинг мутлақо иложи йўқ». [20, 24,33]

**Ахлоқий муносабатлар** – бу жамиятга, меҳнатга, одамларга ва қолаверса ҳар бир кишининг ўзига муносабатидир. Жамият тараққиёти тарихи шуни кўрсатадики, фақат маънавий кенг қулоч ёйган, илм тараққий этган мамлакатдагина адолатли жамият қуриш ва унда бир-бирига меҳр-оқибатли камолотли инсонлар шаклланиши мумкин. Бундай жамиятда халқнинг эртанги кунга ишончи ва бунёдкорлик, яратувчилик ишига, эзгуликка интилиши кучли бўлади. [8,12,20,31,32,34]

Ахлоқ инсоният маънавий маданиятининг кўринишларидан бири бўлиб, у кишиларнинг тарихий таркиб топган хулқ-атвори ва юриш туришини ифодалайдиган, уларнинг бир-бирига ва жамиятга муносабатини акс эттирадиган муайён қоидалар йиғиндисидир.

Ахлоқ тушунчаси иродалилик, жасурлик, қаътийлик, виждонийлик, камтарлик, адолатлилик, шарм-хаёлилик, ширинзабонлик каби тушунчаларни ҳам ўз ичига олади. [8]

**Ирода** – мақсадга эришиш йўлидаги қийинчиликларни бартараф этишдир. Камтарлик кишининг ўзига бўлган муносабатида намоён бўлади. Кишининг ўз қобилияти, меҳнати ва мувофақиятларини қандай баҳолашига, бошқа одамларнинг қадир-қиммати ва ютуқларига қандай муносабатларда бўлишига қараб унинг камтаринлик ҳислатлари аниқланади. [22]

Узлуксиз таълим тизимида ўқувчиларни ўқитиш ахлоқий мукамаллаштириш билан боғлаб олиб борилади. Уларда онг билан хулқ бирлиги тарбияланади. Шахснинг жамият ва Ватанга, меҳнатга, кишиларга, ўз хулқига муносабатларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

**1. Жамиятга, Ватанга муҳаббат ва садоқатни тарбиялаш.** Бу хилдаги муносабатлар шахснинг ватанпарварлиги, фуқаро етуқлиги, байналминаллик каби фазилатларида акс этади, унинг мақсадларида Ватан бойликларини кўпайтириш, уларни ҳимоя қилиш ва мустахкамлашга қаратилган амалий ишларида намоён бўлади. [31]

**2. Меҳнатга ахлоқий муносабатни тарбиялаш** – шахснинг бутун маънавий йуналишини белгилайди. Чунки киши ишламай, кўрашмай яшаши мумкин эмас. Меҳнат – яшаш манбаи. Бу ахлоқий муносабат шахснинг меҳнат жараёнида намоён бўладиган юксак онгида, меҳнатнинг ҳаётдаги ролини англашида, хусусий ва ижтимоий фойдали меҳнатга тайёрлигида, меҳнатни хурмат қилиш ва меҳнатсеварлигида ифодаланadi. [17]

**3. Атрофдаги кишиларга ахлоқий муносабат** – шахснинг жамоатчилик, кўпчилик маънфаатини ўз шахсий манфаатдан устун қўйишидир. [8,9,10,15,18, 30,31,34]

**4. Шахснинг ўзига, ўз хулқига ахлоқий муносабатни тарбиялаши** – бу ўқувчини ўз-ўзига нисбатан онгли интизом руҳида тарбиялашга ўргатишдан иборатдир. [8,10,15]

Шахсни ҳар томонлама камол топтиришдаги умумий тизимнинг асоси ахлоқий тарбия ҳисобланади. Ахлоқий муносабатлар муайян фазилатларни ўз ичига олади, чунки маънавий фазилатлар ахлоқий онг, ахлоқий ҳис-туйғу ва одаб бирлигидан иборатдир. Демак, ахлоқий муносабатлар – бу жамиятга, меҳнатга, бошқа одамларга, ўз-ўзига муносабатидир.

Бошланғич синф ўқувчиларида ахлоқий тушунчаларни шакллантиришда қўйидаги **муносабатларни** шакллантириш лозимдир:

1. Инсоннинг жамиятга муносабатини белгиловчи ахлоқий фазилатлар ичида ватанпарварлик ва байналминаллик ахлоқий тарбияда алоҳида ўрин тутadi. Ҳадису шарифда "Ватанни севмоқ иймондандур" деб бежиз айтмаган.

2. Атрофдаги кишиларга ахлоқий муносабат шахснинг жамоатчилик, кўпчилик манфатини ўз шахсий манфаатдан устун қўйишидир.

3. Меҳнатга ахлоқий муносабатни тарбиялаш шахснинг бутун маънавий йуналишини белгилайди.

4. Шахснинг ўзига, ўз хулқига ахлоқий муносабатни тарбиялаш – бу ўқувчининг ўз-ўзини онгли интизом руҳида тарбиялашга ўргатишдан иборатдир. [ 7, 9,11,17,31,32 ]

Инсон – табиатнинг энг буюк неъматиди. Унга ақл-идрок, онг, фаросат каби буюк фазилатлар ато этилганки, у ўз инсоний фазилатларига сайқал бериб, ривожлантириб оламни, инсониятни камолотга етаклаб боради.

Одамнинг инсон сифатида шакллана боришида унинг камолоти даражаси одоб, ахлоқ, маданият, маънавият каби ҳислатларнинг унда канчалик мужассамлашгани билан белгиланади. Шу ўринда бу категорияларнинг моҳияти устида тўхталиб ўтишимиз жоиздир.

**Одоб** – ҳар бир инсоннинг бошқа бир инсон ёки жамоа билан бўлган мулоқотида, юриш-туришида ўзини тута билишидир.

**Хулқ** – одобнинг ички туйғу, кўникмага айланган кўринишидир.

**Ахлоқ** – жамиятда қабул қилинган жамоатчилик фикри билан маъқулланган хулқ-одоб меъёрлари мажмуидир. [ 21,31]

**Маданият** – жамиятнинг ва унда яшовчи фуқароларнинг фаолияти жараёнида тўпланган барча ижобий ютуқлар мажмуи ҳисобланади

**Маънавият** – инсон онгини акс эттирувчи барча ижобий, руҳий, интеллектуал фазилатлар мажмуасидир. [28,31]

Мушоҳада қилиш ақлнинг пешланишига олиб келади. Ақл онгни сайқаллайди, онг эса моддий ва маънавий манбаага айланади. Шу тарзда инсон секин-аста такомиллашиб, комилликка эришиб боради.

Инсон маънавиятли бўлиши учун жуда кўп инсонийлик билимлари сарчашмасидан баҳраманд бўлиши, ўз устида тинмай ишлаши ва ҳаётни кузатиб, ундан сабоқ чиқариб бориши лозим.

Абдулла Авлоний ўзининг «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ» номли асарида комил инсонлар ҳақида шундай дейди: «Яхши фазилатларни ўзига касб қилиб олган инсонлар яхши инсонлар дейилур». Авлоний яхши инсонлар деганда одамларга яхшилик қила оладиган, камтар, сахий, меҳнатқаш, меҳр-шафқатли, билимдон, ўзгалар учун қайғурадиган мард инсонларни кўзда тутса, «ёмон инсонлар деб, ёмонлик фазилатлари яхшилик фазилатларидан устун турадиган инсонларга айтилади», дейди. Авлоний кишиларни ўзида яхши фазилатларни тўплаган, эл назарига тушган,

яхшиликка интилувчи, ўзини тарбиялаб боришга ўрганган инсонлар бўлишга ундайди.[8,13,14,16]

Мозийга бир назар ташлайлик. Биз хоҳлаймизми йўқми, шарқона эркаларимизга хос мардлик, жасурлик, ғурур каби, момоларимиздан орномус, ифбатлилик, назокатлилик, шарм-хаё, ширинзабонлик каби хислатлар асрдан-асрга мерос бўлиб ўтиб келмоқда.

Мактабда болаларни ахлоқий тарбиялаш дарс жараёни, синфдан ташқари ва мактабдан ташқари турли туман ишларда олиб борилади. Ўқувчиларга билим, малака ва одатлар берилади. Болалар одоб ва одобсизлик ҳақида тушунча оладилар. Улар ахлоқий тушунчаларни бадиий ва илмий адабиётлар, ҳаёт, кинофильм ва спектакллар орқали англайдилар. [17, 20, 24]

Мактабда ахлоқий тарбия беришда маълум бир *тамоилларга* амал қилиниб, улардан намуналар келтирамиз:

1. Ахлоқий тарбия ўқув жараёни билан қўшиб олиб борилади.

2. Ахлоқий тарбия жараёнининг мувафаққияти ўқувчилар ва ўқитувчилар жамоасининг савиясига боғлиқ. Бунинг учун жамоа аҳил ва иноқ, болалар интизомли бўлишлари керак.

3. Тарбиявий ишларнинг режали бўлиши ва ҳамжиҳатлик билан амалга оширилиши ахлоқий тарбиянинг мувафаққиятини таъминлайди. А.С.Макаренконинг «ўнта юқори малакали, ўз ҳолича ишлайдиган ўқитувчидан, малакаси паст, бир ёқадан бош чиқарадиган бешта ўқитувчи афзал» деганини унутмаслик керак.

4. Мактабда ижобий эмоционал шароит яратиш ахлоқий тарбия жараёнига фойдали таъсир этади. Масалан, Республика мустақиллиги куни, наврўз байрами кабилар.

Барча ўқувчиларнинг мактабдаги умумий ва ягона тартиб-қоидага риоя қилишларига эришиш лозим.

Тарбиявий соатлар, «Одобнома» дарслари савиясини ошириш керак бўлади. [17]

Миллийлик ва замонавийликнинг уйғунлигини таъминламай туриб, юқорида кўзланган мақсадга эришиб бўлмайди. Миллий тарбия миллатчилик тарбияси эмас, аксинча маданият - ўзбек халқининг, ҳаётнинг барча жабҳаларида эришган ўзига хос ютуқларини тиклаш, ривожлантиришни давом эттиришнинг маърифий воситаси бўлади. Фақат миллий тарбиягина ўзбек болаларида миллий кадриятларни, ор-номусни ва соф виждонни, меҳнатсеварликни, илмга чанқоқликни, меҳр-оқибатни, ташаббускорликни, мустақил фикр юритиш қобилиятларини бойитиб, кейинги авлодларга етказишга хизмат қилади. [ 25]

Ўзоқ йиллар миллий кадриятларимиз, миллий тарбиямиз, минг йиллик урф-одатлар камситилиб, тилимиз, динимиз оёқ ости қилиниши оқибатида одамлар орасида меҳр-оқибат, диёнат, шарм-хаё, андиша, ор-номус, ҳололлик, катталарга ҳурмат, кичикларга эътибор сусайиб кетди.

Дарсда ва дарсдан ташқаридаги тарбиявий ишлар жараёнида Алпомиш, Тўмарис, Широқ каби халқ қахрамонлари, Амир Темур, Бобур, Улуғбек сингари давлат арбоблари ва саркардаларимиз, Ибн Сино, Беруний сингари олиму фузалоларимизнинг ахлоқий қарашларига тез-тез мурожаат қилишимиз ёшларни Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялашнинг асосини ташкил қилади.

## 1.2. Бошланғич синф ўқувчиларини ахлоқий тарбиялаш тамойиллари, восита ва усуллари

Давлатимизнинг мустақилликка эришуви таълим ва тарбиянинг миллий шакллари ривожлантиришга кенг имкониятлар очиб берди. Тарбия – маънавий манбалар ва ҳозирги замон талаблари ва эҳтиёжлари назарда тўтган ҳолда, ўқитувчиларнинг ўқувчи билан аниқ бир мақсадга қаратилган ўзаро амалий ва назарий мулоқатидир. [ 20, 21, 31, 32]

Тарбияшунослик назарияси Марказий Осиё файласуфларининг ва халқ педагогикасининг тарбия борасидаги бой тажрибаларига таянади. Тарбия жараёнининг жамият тараққиётидаги роли беқиёсдир. Инсонни тарбиялаш, уни билим олишга, меҳнат қилишга ундан ва бу хатти-ҳаракатни секин аста кўникмага айлантириб боришни тақазо этади. Шу тарзда инсон аста-секин такомиллашиб, комилликка эришиб боради.

Тарбия жараёнида кишининг турли қобилиятлари ривожланади, ғоявий, ахлоқий, иродавий, эстетик хислатлари шаклланади, табиатга, жамиятга илмий қарашлар тизими таркиб топади, жисмоний куч қувватлари мустаҳкамланади. [ 8, 11]

Ижтимоий эҳтиёжлар тарбия жараёнининг характери, унинг вазифалари, мазмуни, усуллари ва воситаларини қонуний равишда аниқлаб беради. Тарбияшунослик фанидаги қонун ва қонуниятлар ижтимоий қонуниятларга тўла мос бўлади. Чунки, ижтимоий қонуниятлар жамиятнинг тараққиётини, унда инсоннинг тутган ўрнини, қандай фаолият билан шуғулланишини, яшашдан аниқ мақсад бўлиш кераклигини белгилайди. [24]

Тарбия жараёнининг моҳияти шу жараён учун характерли бўлган ва муайян *қонуниятларда* намоён бўладиган ички ходиса ва муносабатларни акс эттиради. [20,24]

**Қонуният** – барқарор, зарурий, у ёки бу ходисалар ва жараёнлар ўртасидаги мутаносиблик ва муҳим алоқадир. Тарбиянинг *асосий*

**қонуниятларига** қуйидагиларни киритишимиз мумкин:

-тарбиянинг ижтимоий эҳтиёжларга бўлиниши натижаларга олиб келади;

-тарбиянинг мазмуни, ташкил этилиши, усуллари ва уларга қуйиладиган талаблар шу қоидаларда ўз ифодасини топади.

Тарбия қонуниятлари биринчи навбатда жамиятнинг **ижтимоий эҳтиёжларини** қондиришга қаратилган бўлади. Ўзбекистон миллий истиқлолга эришгандан кейин тарбиянинг жамият олдидаги моҳияти ўзгарди. Эски жамиятнинг мафкурасига асосланган тарбия йўналиши ўзгариб, янги барпо булаётган тузумга мос мутахассис кадрлар тайёрлаш зарурати пайдо бўлди. Жамиятимизда тарбиянинг бутун йўналиши шу эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда ўзгарди. Ижтимоий эҳтиёж таълим-тарбия тизимини тубдан ислоҳ қилишни тақозо этди. Шунга асосан «Таълим тўғрисида» ги қонун ва Кадрлар тайёрлашнинг миллий дастури ишлаб чиқилди. Уларда ижтимоий эҳтиёж ҳисобга олинган ҳолда, тарбия қонуниятларига амал қилиш ҳал этилган. [ 1,2,5,7]

Тарбиянинг яна бир **қонуният**и унинг мақсади, мазмуни, усуллари ва шаклларининг узвий боғлиқлигидир. Ёшларга бериладиган тарбия аввало аниқ мақсадга йуналтирилган, шу мақсадни руёбга чиқаришда тарбиянинг мазмуни, усуллари ва шакллари бир-бирини тўлдириши, такомиллаштириши керак.

Педагог олимлар тарбиянинг ҳаёт билан боғлиқлиги, боланинг ёши, ўзига хос хусусиятлари, ҳатто жинсий тафовутини ҳисобга олиш ҳам қонун ҳисобланади деб санайдилар. Кўпчилик манбааларда бу хусусиятлар тарбиянинг принципи сифатида қаралади. Тарбия принциплари қонунлар билан боғланган, уларнинг мантиқий давоми шаклида эътиборга олиниб, тарбия бериш жараёнида амал қилинади [ 17,18 ].

Юқорида таъкидланганидек тарбия принциплари тарбия қонуниятларининг амалда тадбиқ этилиши, мантиқий давоми, акси сифатида

намоён бўлиши деб ҳисоблаш мумкин. Чунки, тарбия қонуниятларига ҳам, принципларига ҳам тарбия жараёнида амал қилинади. Тарбия қонуниятлари ва принципларига алоҳида эътибор берган ҳолда иш кўрилганда тарбияланувчилар баркамол шахсга айланади. Шунинг учун ҳам тарбия принципларини чуқур илмий асослаш билан бирга уларни ҳаётга тадбиқ этиш ўқитувчилар-тарбиячилар, ота-оналар ва жамоатчиликнинг доимий эътиборида бўлиши керак. Педагогика фанида турли олимлар томонидан тарбия принциплари ҳар ҳил изоҳланиб келинган. Ҳозирги пайтда тарбиянинг қуйидаги **принципларига** амал қилиш тавсия этилади:

- тарбиянинг маълум мақсадга қаратилганлиги;
- тарбияда инсонпарварлик ва демократик принцип;
- тарбиянинг ҳаёт, амалиёт билан боғлиқлиги принципи;
- тарбияда миллий ва умуминсоний қадриятларнинг устуворлиги;
- тарбияда ўқувчиларнинг ёш ва шахсий хусусиятларини ҳисобга олиш;
- изчиллик, тизимлилик, тарбиявий таъсирларнинг бирлиги ва узлуксизлиги;
- бола шахсини тарбиялашда ҳурмат ва талаб бирлиги принципи;
- мустақиллик, хаваскорлик ва ташаббускорликни ўстириш принципи.

[17,18, 20, 24 ].

***Тарбиянинг мақсадга қаратилганлиги принципи:*** тарбиянинг маълум мақсадга қаратилгандиги принципи болалар жамоасининг ривожланиш истиқболларини кўра билишга ёрдам беради.

Тарбиядан кўзланган асосий мақсад маънавий етук, ақлий ва ахлоқий баркамол шахсни, комил инсонни шакллантиришдан иборатдир. Шунга кўра тарбия мазмуни, шакли, усуллари шу мақсадга қаратилгандир. Ҳар бир тарбиявий тадбир олдиндан пухта ўйланган, муайян мақсадни амалга оширишга мўлжалланади, ғоявий-сиёсий даражасини кўтаради, танланган усул ва воситалар мақсадга мувофиқ келади. [2,17]

**Тарбияда инсонпарварлик ва демократик принципи:** тарбиявий фаолиятни демократлаштириш ва инсонпарвар-лаштириш ўз моҳияти ва мазмунига кўра уни қайта тафаккур этишни кўзда тутди, шахснинг ривожланиш ва ўзлигини англаш ҳуқуқини таъминлайди.

Тарбияда инсон шахсини олий ижтимоий қадрият деб тан олиш, ҳар бир боланинг ўзига хослигини ҳурмат қилиш, унинг ижтимоий ҳуқуқи ва эркинлигини ҳисобга олиш лозим. Тарбияни демократлаштириш эса уни маъмурий эҳтиёж ва қизиқишлардан юқори қўйиш, тарбиячи ва тарбияланувчи ўртасидаги ўзаро ишонч, ҳамкорлик асосида педагогик муносабатлар моҳиятини ўзгартириш демакдир. [20,26]

**Тарбияда миллий ва умуминсоний қадриятларнинг устунлиги принципи:** маънавий қадриятлар ва ғоялар ҳар хил миллатга мансуб ўқувчиларни бирлаштиради, ўқув ва меҳнат фаолиятларини уюштиришга ёрдам беради. Ўзбек халқининг маданий меросини ўрганишда ва ривожлантиришда миллий ўзига хослиги, маънавий хусусиятлари ҳисобга олиниб, халқ педагогикаси анъаналарига суянган ҳолда иш кўрилади [7,17,20,24]

**Тарбияда изчиллик, тизимлилик - тарбиявий таъсир-ларнинг уйғунлиги ва узлуксизлиги принципи:** тарбияда изчиллик муҳим аҳамият касб этади. Болаларга бирданига жуда кўп қоидаларни тақдим қилиш мумкин эмас. Бу борада изчилликка амал қилиш лозим. Тарбияга яхлит тизимли ёндашиш тарбиянинг пировард натижасига йуналтирилганлик даражасини белгилаб беради. Бунда педагогик мақсад ва вазифалар унинг мазмуни тарбиявий жараённинг барча қатнашчилари томонидан тан олиниши мақсадга мувофиқдир.

Тарбиявий таъсирдаги тизимлилик фақат ёшларни эмас, балки аҳолинининг барча қатламларини қамраб олиши керак. Тарбиявий таъсирда изчиллик ва давомийлик бўлишига риоя этиш, ўқувчиларнинг тарбияланганлик даражасини тарбия усуллари ва шакллари ўз вақтида аниқлаб олиш жуда муҳимдир. Бу қоида тарбиявий ишлар, ҳамда тарбияни

амалга оширадиган барча буғинларининг ҳамжихат ва бамаслаҳат иш кўришини кўзда тутиш керак [17,24].

**Тарбияда ўқувчиларнинг ёши ва шахсий хусусиятларини ҳисобга олиш принципи:** тарбия мураккаб жараён бўлиб, педагог бу жараёнда ҳар бир ўқувчининг нафақат ёши, балки унинг шахсий хусусиятларига ҳам эътибор қаратиши жоиз. Бу борада педагог ўқувчини тарбия жараёнининг фаол иштирокчиси эканлигини унутмаслиги керак. Педагогдан ўқувчи билан мулоқатга киришишдан олдин унинг биологик, физиологик, психик ривожланиш хусусиятларини ўрганишни талаб қилади. [22]

**Бола шахсини ҳурмат қилиш ва талабчанлик принципи:** бола шахси ҳурмат қилинсагина у педагогик таъсир ўтказишга очик ва мойил бўлади. Ўқитувчини ўзига қабул қилади. Ўқитувчига нисбатан меҳр уйғонади. Ундаги бор яхши фазилатларни ўзлаштиради ва билим олиш самараси ошади. Натижада комил инсон бўлиб тарбияланишига замин яратади. Бу борада педагог ўқувчини ҳурмат қилибгина қолмай, талабчан бўлиши ҳам лозим. Талабчанлик ўқувчиларда тартиблилик, ўз ишини режалаштира олиш, умумий вазифа ичидан ўзига тегишлисини ажратиб олиш, маъсулиятлилик, ҳар ишнинг меъёрини билиш, кўзлаган мақсадга эришиш учун кураша олиш каби хусусиятларни шакллантиради. [20, 21, 24]

**Мустақиллик, ҳаваскорлик ва ташаббускорликни ўстириш принципи:** ўқувчиларда ёшликдан мустақил фикрлаш, мустақил фаолият кўрсата олишни шакллантириш лозим. Шунга кўра ҳар бир ўқувчининг қизиқиши ва интилишини қўллаб қувватлаш лозим, уларни ўзлари қизиққан касб-ҳунарни эгаллашларига тўғри йўналтириш лозим. «Таълим тўғрисида» ги қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» да бу ҳақда батафсил баён қилинган. Жумладан, «Камолот», «Умид» сингари жамғармалар ёшларда ташаббускорлик, ҳаваскорлик мустақиллик каби ҳислатларни рағбатлантиришда, қўллаб қувватлашда ўз ҳиссасини қўшмоқда. [24]

Ҳар бир ўқитувчи-тарбиячи болалар нималар таъсирида, қайси шароитларда, муҳитларда камолга етишиши, уни амалга оширишда қандай

қоидаларга амал қилиш лозимлигини, қандай таъсир кўрсатиш восита ва йўллари яхши билмоғи лозим.

Ўзбек халқи бола тарбияси соҳасида улкан бой тажрибага эга. Шу билан бирга илмий педагогикамиз ундаги ва фандаги ютуқларга таянган ҳолда тарбия усуллари ҳақида маълум тўхтамларга келган. Унга кўра «метод» сўзи грекчадан олинган бўлиб, йўл, усул, маъносини беради. Шунинг учун ҳам илмий адабиётларда «тарбия методлари», «тарбия усуллари» каби тушунчалар тез-тез учраб туради. [8,10,13,14]

Тарбия усулларига педагог олимлар (Р. Мавлонова, А. Мунавваров, М. Қурононов, К. Хошимов, О. Ҳасанбоева, М. Иномова, У. Нишоналиев, Р. Ҳасанов ва бошқалар) турлича таъриф беришган [16,17,20,24,27,32].

Айримларида, **тарбия усуллари** деб, ҳар томонлама ривожланган баркамол шахсни шакллантириш мақсадида, унинг онгига, ҳуққига, иродасига, ҳис-туйғуларига таъсир этиш йўллари айтилади. Бошқаларида *«тарбия усули - тарбиячи ва тарбияланувчиларнинг ҳамкорликдаги фаолияти ва ўзаро таъсир кўрсатиш усуллари дир»*, - дейилади. Биринчи таъриф аниқ маъно касб этсада, аммо унда фаолият бир томонлама таъсир кучига эга. Яъни, тарбиячининг таъсиригина кўзда тутилгандай. Иккинчиси эса ҳамкорликдаги фаолият ва ўзаро таъсирини назарда тутди. [17,18,20,24]

Таълим методлари каби тарбия усуллари ҳам алоҳида таркибий қисмларга бўлинади, масалан, усул ва услуб тушунчалари бир-бири билан узвий боғланган ҳолда педагогик жараён моҳиятига кўра бир-бирига ўтиб туриши мумкин. [17,20,24]

Педагогикада тарбия шакллари деган тушунча ҳам йўқ эмас. Масалан, ўқувчиларнинг жамоа индивидуал фаолиятларини мақсадга мувофиқ ташкил қилиш учун **тарбия шакллари**дан фойдаланилади: синф мажлиси, йиғилишлар, эрталабки йиғинлар, клуб ва тўғарак ишлари кабилар. [24,26]

**Тарбия воситалари** бирон-бир тарбиявий масалаларни мақсадга мувофиқ йўл билан ҳал қилишни ташкил этиш учун ишлатилади: кўрсатмали куроллар, китоблар, радио, телевидения, санъат асари ва бошқалар. Аммо, бу

предметларни ҳаракатга келтиргандагина, улардан фойдаланиб, муҳокама этганимиздагина тарбия воситаси бўла олади. Тарбия воситалари сифатида ўқувчиларнинг турли фаолиятлари ҳам хизмат қилиши мумкин: кинофильмлар, санъат асарлари, суҳбат, болалар ўйини, спорт, бадиий ҳаваскорлик тўғараклари ва бошқалар. (10,11,12,15,18,20,24,28,29,30,31,32,34)

Ҳар қандай тарбиянинг натижаси тарбиявий жараёнининг усуллари, услуби, воситалари ва шаклларида моҳирона фойдаланишга боғлиқ.

Тарбиячилар таъсир этишнинг бола шахсиятига мос усулини, энг маъқул усулини танлаб олишлари, унинг шахсини ўзгартириш учун керакли шароит яратишлари даркор. Тарбия усуллари ҳар бир болага, ҳар қайси болалар жамоасига алоҳида муносабатда бўлишини назарда тутди. [17,20,24,31]

Тарбия ғоятда мураккаб жараён бўлиб, ҳар даврнинг ижтимоий сиёсий ҳаётини ўзида акс эттиради. Унинг усуллари, воситалари ва омиллари асрлар давомида шаклланиб такомил-лашади. Тарбия ҳар бир халқнинг ўз удуми, усули, тарихан шаклланган ва тажрибада синалган дунёқараш, тарбия воситалари бўлади, шунинг учун тарбия миллий ва тарихий заминдан узилмаслиги лозим. [28]

Юқорида қайд этганимиздек, халқ педагогикасида турли хил тарбия усуллари ва воситаларидан фойдаланиш кўзда тутилади. Уларнинг ранг-баранглиги илмий педагогикани ҳам бойитади.

Бола тарбиясида халқимиз қўллаб келган **миллий усуллари**ни қуйидагича гуруҳларга умумлаштириш мумкин:

1. *Тушунтириш*: ўргатиш, одатлантириш, машқ қилдириш ва ҳ.к.
2. *Намуна*: маслаҳат бериш, узр сўраш, яхшиликлар ҳақида сўзлаш, ўрнатиб бўлиш ва ҳ. к.
3. *Насиҳат бериш, ўғит*: ундаш, кўндириш, илтимос қилиш, ёлвориб, тилак-истак билдириш, маъқуллаш, раҳмат айтиш, дуо қилиш, оқ йўл тилаш ва ҳ. к.

4. *Қоралаш ва жазо*: таъқиқлаш, тана, гина, танбеҳ бериш, мажбур қилиш, койиш, айблаш, уялтириш, кўрқитиш, нафратланиш, онт-қасам ичириш, уриш-калтаклаш ва х. к. [28]

Агар синчиклаб эътибор берилса, ушбу миллий тарбия усуллари кетма-кетлигида яхлитлик бор. Масалан, болага аввал тушунтирилади, кейин намуна сифатида кўрсатилади, бунда ҳам тушунмаса, насиҳат берилади, бунга ҳам кўнмаса, тушинишни истамаса жазо берилади. Бу сўнги чора эканлигини халқимиз яхши билган.

Халқимизнинг миллий усуллари муайян воситалар орқали амалга оширилган. Тарбия воситаси вазифасини қуйидагилар ўтаган: меҳмон кутиш, меҳмонга бориш, турли меҳнат жараёнлари, хашарлар, турли гурунглар, мусобақалар, турли маросим ва бошқалар ҳам шулар жумласига киради. [7,11]

Бугунги кунда ўқувчиларни тарбиялашда миллий анъаналар, умуминсоний кадриятлар асос қилиб олинishi зарур. Булар ўз навбатида, янги тарбиянинг ўзгача мувофиқ услуб ва шакллари тақоза этади.

Замонавий илмий адабиётларда **тарбия усуллари** ўз хусусиятларидан келиб чиқиб бир неча (4 та) гуруҳларга ажратилади: ижтимоий онгни шакллантирувчи усуллар, фаолият жараёнида ижтимоий хулқни шакллантириш усуллари; рағбатлантириш ва жазолаш усуллари; ўз-ўзини тарбиялаш усуллари. [17,20,24]

**1. Ижтимоий онгни шакллантирувчи усуллар:** суҳбат, ҳикоя, намуна, тушинтириш.

**2. Ижтимоий хулқни шакллантириш усуллари:** машқ, ўргатиш, топшириқ, педагогик талаб, одатлантириш.

**3. Рағбатлантириш ва жазолаш усуллари:** ишонч билдириш, мақташ, совға бериш, мақтов ёрлиғи, моддий тақдирлаш, ҳурмат тахтасига чиқариш, кўллаб-қувватлаш, масъулият ва миннатдорчилик, мусобақа, газета ва радиода эълон каби рағбатлантириш; танбеҳ бериш, огоҳлантириш, ҳайфсан бериш, уялтириш ва каби жазолаш усуллари. Аммо, жисмоний жазо, уриш

калтаклаш мумкин эмас, балки кўрқитиш ғазаблантириш ҳам яхши натижа бермайди, ўқувчи кўрққанидан ёлғон гапиришга ўрганеди, икки юзламачи бўлиб қолади.

**4. Ўз-ўзини тарбиялаш:** шахсий мажбуриятлар олиш, ўз-ўзини назорат қилиш, ўз-ўзини танқид қилиш, ўз-ўзини таҳлил қилиш, ўз-ўзини баҳолаш.

*Ижтимоий онгни шакллантирувчи усуллар* гуруҳига ўқувчиларда илмий дунёқараш, эътиқодни, маънавий ва сиёсий ғояларни шакллантириш мақсадида уларни онги, ҳислат ва иродасига таъсир кўрсатиш усуллари киради. Бу усуллар орқали ўқувчилар онгига шаклланишига энг кўп қўлланиладиган усул – **тушунтиришдир**. Тушунтиришнинг вазифаси ўқувчиларни юксак маданиятли, миллий ғурурли қилиб тарбиялашда ёрдам беришдир. Масалан, ўқувчиларга байроқ, герб, мадҳия, конституцияларнинг моҳиятини тушунтириш мумкин. [17]

**Сухбат усули.** Ўқувчи шахсини маънавий ахлоқий жихатдан шакллантиришда ўқитувчининг жонли сўзи энг таъсирли усулдир.

Сухбат усули савол-жавоб негизида кўринади. Сухбат учун мавзу танлашда унинг долзарблиги, қизиқарли ва кутилаётган натижани ҳисобга олиш керак. Сухбат турли мавзуларда уюштирилиши мумкин: ахлоқий мавзулар, эстетик мавзулар, сиёсий мавзулар, таълим ва билимга оид мавзулар ва ҳ. к. Сухбат давомида ўқувчиларда мустақил фикр юритиш ва жавоб бериш имкониятлари туғилади [20].

**Ҳикоя усули.** Кичик ёшдаги ўқувчилар одатда ҳаётий ва бадий адабиётдан олинган ҳикояларни қизиқиб тинглайдилар. Уларга ахлоқ меъзонлари, тарих қоидалари, Ватанимизнинг табиий бойликлари, ажойиб, меҳнаткаш кишилари, тарих, адабиёт, санъат ҳақида ҳикоя қилиб бериши мумкин. Сухбат ва ҳикоялар ўқувчиларнинг ёшига мос мавзуларда, улар тушинадиган тилда ўтказилиши зарур. Сухбат ва ҳикоя мавзусини ўқувчиларнинг ўзлари танлагани яхши. [24]

**Намуна.** Маълумки, ёш болалар катталарга тақлид қиладилар, уларга ўхшашга ҳаракат қиладилар. Шунинг учун ҳам энг аввало ўқитувчининг ўзи

хар томонлама намунали бўлиши, ўз хатти-ҳаракатларини тўғри бошқариши лозим. Акс холда ўқувчиларга фақат ижобий фазилатлар эмас, балки салбий хатти-ҳаракатлар ҳам таъсир кўрсатиши мумкин. [8,11,16,17,18,20]

Болалар онгига илғор кишиларнинг ҳаёти ва фаолиятдан олинган маълумотлар, бадиий асарлардаги, кинофильмдаги ва спектакльдаги қаҳрамонлар хатти-ҳаракатларидаги яхши намуналар болаларнинг онгига кучли таъсир қилади.

Намунадан миллий тарбия усули сифатида ота-боболаримиз усули кенг фойдаланилган. Зеро, улар ўз фарзандларини ҳамиша яхшилардан, донолардан, улуғ кишилардан ибрат олишга даъват қилиб келганлар. Масалан, «Қуш уясида кўрганини қилади» деган доно халқимиз. [28]

**Ўқувчиларда ижтимоий хулқни шакллантириш усули.** Психологиядан ҳам бизга маълумки, шахс фаолиятида ривожланади. Қолаверса, ўқувчи учун фақат тушунчанинг ўзи етарли эмас. У ўзлаштирган, англаб етган ахлоқий-қонун қоидаларига риоя қилиши, уларга амал қилиши лозим. Шунинг учун ҳам жамият талаб этувчи хулқ атворларни ўқувчиларда шакллантириш усуллари мавжуд. [17,20,24]

**Машқ.** Бу усул болалар фаолиятини оқилона, мақсадга мувофиқ равишда ва ҳар томонлама ташкил этиш уларни ахлоқ меъзонлари ва хулқ-атвор қоидаларини бажаришга одатлан-тиришдир. Одатлар болалиқдан таркиб топади ва кейин мустаҳкамланиб боради. Ота-оналар, ўқитувчилар болаларда ижобий одатлар шаклланишини кузатиб боришлари зарур ва шарт.

Машқ муайян хатти-ҳаракатларни кўп маротоба такрорлашни ўз ичига олади. Машқ ва одатлантириш ўқувчи учун онгли ва ижобий жараён дир. Машқ натижасида кўникма, янги билимлар ҳосил қилинади, ўқувчиларда ақлий қобилият ва ахлоқий фазилатлар ривожланади. Одат мунтазам машқ орқали мустаҳкамланади. [20]

**Ўргатиш** – ижтимоий хулқ-атворнинг одатий шаклига айланттириш мақсадида тарбияланувчиларнинг бажаришлари учун режали ва изчил тарзда ташкил қилинадиган турли ҳаракатлар амалий ишлар дир. Ўргатиш бир неча

изчил ҳаракатлар йиғиндисидир, ўқитувчи бу ҳаракатларни кўрсатиб бериш, тушинтириш, кузатиши мумкин. Тарбияда машқ қилишнинг турли хиллари мажуд: фаолиятида машқ олиш, кун тартиби машқлари, махсус машқлар.

Кичик ёшдаги ўқувчилар учун **ўйин** визиятлари ҳам муҳим тарбиявий восита бўлиб хизмат қилади. Болаларда хулқ-атвор меъёрларини шакллантиришда азалдан болалар халқ ўйинлари кучли тарбия восита ва усули бўлиб келган. Масалан, хола-хола ўйини, меҳмон кутиш ва ҳ.к [24].

**Топширик.** Меҳнат топшириқларини жамоа бўлиб бажариш ўқувчиларда ўз кучларини умум ишга сарфлашга, жамоа учун масъулиятни хис этишга ўрганидилар. Ақлий ва жисмоний меҳнат қилиш болани характерини шакллантиради, мустахкамлайди. [17,18,20]

**Талаб.** Педагогик талаб тарбиянинг энг муҳим усулларида биридир. Талаб - бу ўқувчининг олдига бирон бир вазифани бажаришни қўйишдир. Бу ўқувчининг ижтимоий хулқ-атвор мезонларини ифодалаш, у ёки бу фаолиятда қатнашиб борилиши зарур бўлган аниқ бир вазифа сифатида намоён бўлиши мумкин [7,12,13,16,18,19,21,25,27,29,32]

**Рағбатлантириш ва жазолаш усуллари.** Бу усуллар ўқувчиларни ҳаракатга келтиради, ўз кучига ишонч уйғотади. Рағбатлантириш усулларида фойдалиниш натижасида бола ўрнининг олға силжиб бораётганини кўра бошлайди, ҳурмат қилаётганини, ишонмаётганликларини жамоага кераклигини, ўқитувчисини қизиқтираётганлигини англаб етади. Рағбатлантириш бола ишончига, унда бўлган ижобий қобилият ва фазилатларнинг кучини эътироф этишига асосланган. Рағбатлантириш ўқувчининг кўнглини кўтаради, унга қувонч келтиради, ўқувчининг янада яхшироқ бўлишига интилишга ёрдам беради [7,21,22,24,28,29]

Мактаблар тажрибасида **рағбатлантиришнинг** қуйидаги турлари қўлланилади: топширик бериш, мақташ, совға бериш, мақтов ёрлиғи бериш, моддий тақдирлаш, ҳурмат тахтаси, қўллаб-қувватлаш, масъулият ва жамоанинг миннатдорлиги, сафарда биринчи ўринда туриш, мусобақа, газета ва радиоларда эълон, режа қўйиш ва ҳ. к. Бу усулларнинг барчаси педагогик

талабларни ҳисобга олган ҳолда қўлланилиши мумкин. Ҳар қандай рағбатлантиришнинг тўғри хизмат қилиши, кетма-кет бўлмаслиги қадрини ошириб мақташга, бошқа ўқувчиларга таққослаб уларни камситишга йўл қўймасликка рағбатлантиришга бўлган талабчанликни бўшаштирмаслик зарур. [17,18,20]

**Жазолаш.** Бу ўз харакатига кўра тарбияланувчиларнинг хатти-харакати ва фаолиятига салбий баҳо беришдир. Жазо ўқувчининг ва бутун синф манфаати учун қўлланилган энг охирги тарбия усулидир. Жазо чораларини қўллашда жисмоний жазо, уриш, калтаклаш мумкин эмас, болани кўрқитиш ғазаблантириш ҳам яхши натижа бермайди.

Мактаб амалиётида қўллаш мумкин бўлган жазо чораларига қуйидагилар кирази: танбех бериш, огоҳлантириш, қоникарсиз баҳо қўйиш, мактабдан четлашиш ва ва ҳ. к.

Жазо яхши қўлланиши лозим, қизиқ устида тинимсиз жазолаш ҳам мумкин эмас. Жазолар битта бўлгани яхши, ўқувчиларнинг айбига мос мувофиқ бўлсин, тез-тез қўлланмасин, жазоловчи жазони ҳаққонийлигини аниқ билсин ва улар ўз айбларини сезсинлар. Жазо жамоада муҳокама этилса, улар томонидан шу жазо усули қўллаб-қувватланса унинг таъсир кучи янада ошади. Ҳар қандай жазо ҳам тарбияланувчининг жисмоний ва рухий азоб-уқибатларга солмаслиги, уни таҳқирламаслиги, шаънини булғамаслиги керак. [17]

**Ўз-ўзини тарбиялаш усуллари.** Бу усуллар ўқувчиларда ўз-ўзини тарбиялаш эҳтиёжи туғилган деган самара бериши мумкин. Аммо, ўқувчиларни ўз устиларида мустахкам ишлашга йўллашимиз лозим.

Кичик ёшдаги ўқувчиларни ўз устида ишлашга ўргатишнинг бир қанча усуллари бор. Масалан, ўқувчига ота-она ёки ўқитувчи шахсий мажбурият бериши мумкин.

Азалдан халқимиз ўз фарзандларига мажбуриятлар бўлиб берган. Масалан, бир фарзандли уй рўзғор ишларидан, яна бирига чорва ишлари, бошқасига овқат пишириш, укаларига қараш мажбуриятларини бўлиб

беришган. Бугунги кунда ҳам ўқитувчининг ундови билан болаларга уй-рўзгор вазифалари, синф мажбуриятларини бериш мумкин. Ёши улғайиб бориши билан боланинг мажбурияти мураккаблашиб боради, унга кўпроқ эътибор қаратилиб боради.

**Ўз-ўзига ҳисобот бериш.** Биз кўпчилик олдида, яъни синф жамоаси, ота-она ва бошқалар олдида юз бериши мумкин ўзига-ўзи ҳисобот бериш болада ўз иши учун масъулиятни оширади, ўз хатти-ҳаракатлари учун ўзи жавоб беришга ўргатади, ўз-ўзини тарбиялаш бўйича тажриба алмашишга ёрдам беради.

**Ўз-ўзини таҳлил этиш.** Бу ўз шахсий фазилатлари устида мулоҳаза юритиш. Масалан, мен нима қила оламан, мен қандай одам, мен қандай ўртоқ? Ўз-ўзини таҳлил этиш ўз хатти-ҳаракатлари ва хулқ атворлари устида ўйлашга, сабаб-оқибат алоқаларини аниқлашга ўргатади.

**Ўз-ўзини назорат қилиш.** Бу характердаги, яъни сифатларини аниқлаш ва камчиликлар билан курашиш мақсадида ўз хулқини доимий ёзиб (назорат қилиб) боришидир.

**Ўз-ўзига баҳо бериш.** Бу усул ўз имкониятларини чамалаб кўриш ва баҳолашга, четдан ўзига қарашга шахсий сифатларни ривожлантиришга объектив баҳо бериш, ўзининг хулқ-атворидан кўникма ҳосил қилмасликлари туғилишига ёрдам беради. [17,18,20,24]

Болани ўзини тўғри баҳолашга, ўзгина юқори ва паст баҳоламасликка ўргатиш муҳимдир.

Кичик ёшдаги ўқувчиларнинг ўз-ўзини тарбиялашга қуйидагилар хизмат қилиши мумкин: ака-укалар, ота-оналар, ўқитувчилар намунаси; боланинг мактабда ва уйда аниқ режалаштирилган кун тартиби; қувончли истиқбол режа ва ҳ. к. [18,20]

Юқорида таърифлаб ўтилган тарбиянинг умумий ва миллий усуллари ўқувчиларга таъсир кўрсатишнинг барча соҳаларини қамраб олмайди. Зеро, педагогика фани, унинг тарбия воситаси ва усуллари доимо ривожланиб такомиллашиб боради.

Тажрибада ўзини асрлар мобайнида оқлаб келган тарбия усулларимиз қанчалик миллий руҳиятимиз, маънавиятимизга мос бўлса, унинг самарадорлиги шунчалик юқори бўлади. Санаб ўтилган тарбия усулларининг асосий қисми халқимиз тажрибасида қўлланиб келинмоқда.

Президентимиз И. А. Каримов ҳақли равишда таъкидлаганидек, тарбия соҳасидаги ислоҳат бугунги энг долзарб, эртанги тақдиримизни ҳал қилувчи муаммога айланмоқда. («Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори», Т., 1997, 5-бет.). Дарҳақиқат худди шундай.

Биз тарихда мисли кўрилмаган янги жамият қурмоқдамиз. Бу жамиятнинг тамал тошини қўйиш бизнинг зиммамизга тушгун экан, уни бажариш масъулиятини тўғри англаш, виждон амри билан адо этиш ғоят мураккаб ва шарафли бурчдир.

Зиёлилар бу бурчни қанчалик ифтихор билан адо этса, мустақиллик иморатининг пойдевори шунчалик бақувват бўлади.

Тарбия айниқса, комил инсон тарбияси бугунимиз учунгина эмас, балки келажагимизнинг ҳам ҳаёт-момот ишидир. Шундай экан биз тарбияга эътибор беришимиз керак.

Ҳозирги ёш авлод тўғри тарбия топса, мустақиллик истиқболини тўғри тушунса, шубҳасиз эришган ютуқлар истиқболда ўз самарасини беради. [1,2, 3,5]

Фикримизча, инсонни комилликка элтувчи психологик сифатларнинг пойдевори оиладан бошланади ва оила муҳим рол ўйнайди. [18]

Бола тарбияси учун бошланғич синф ўқитувчисидан ташқари ота-онанинг ўрни ҳам жуда муҳимдир. Ота болани комиллик сари етакловчи бош тарбиячи бўлиб, унга хос бўлган барча инсоний сифатлар фарзанд жисмига жо бўлиб бораверади. [18]

Ҳар бир оилада дунёга келган ва ўсаётган ҳар болага ниҳоятда эътибор билан муносабатда бўлиш ва одобли бўлиш фикри бўлмоғи даркор. Ота-онанинг ўз фарзандининг ички дунёсига кириб бориши, хатти-харакатларининг сабабларини тушунтириш, қизиқиши, характер

хусусиятларини чуқур англаши зарур. Бунинг учун эса бола доимо ота-онасининг кузатувида бўлмоғи лозим. Бола ҳаракатини кузатиш - унинг кўнгил қарига – йўлдир. [8,12]

Ўзбек оиласига хос тарбиявий тадбирларнинг моҳияти шундаки, бу оилалардаги тарбиявий тадбирларнинг барчаси узлуксизлиги, давомийлиги, сержилолиги билан бола онгига тез етади, унинг одоб-ахлоқи, маънавий, руҳий омилини ўзгартиради ва комиллик сари етаклайди.

Бу жиҳатдан ҳар бир ўзбек оиласи ўзига хос тарбиявий усул ва воситалари урф-одати қадрияти-анъанаси билан алоҳида олам сифатида намоён бўлади.

Табиийки, қайси оилада ота-она маънавий бой, юқори ахлоқли, баланд эътиқодли ва маданиятли бўлса ўша оилада тарбиявий тадбирлар яхши самара беради. [18]

Яна бир жиҳати шундаки, оила аъзоларининг турмуш тажрибаси, маданий савияси қанчалик бой бўлса, тарбиявий ишлари даражаси шунчалик юқори бўлади.

Ўзбек оиласига хос муҳим хусусиятларидан бири кўпболалилик ҳисобланади. Кам болали оилаларга нисбатан кўпболалик оилаларда тарбиявий тадбирлар яхши самара беради. Бу фикр тўғри, чунки кўпболали оилаларда болалар ўзаро ғамхўрлик ва самимий муносабат туфайли бир-бирларига таъсир ўтказадилар, тақлид ва намунавийлик усулларидан самарали фойдаланадилар. [18]

Турмуш тажрибасидан маълумки, болалар билан кўпроқ она бирга бўлади. Она ва фарзандлараро муносабатлар ота ва фарзандлараро муносабатлардан бир неча баробар кўп бўлади.

Бу мулоқотлар мазмуни ва хилма-хиллиги жиҳатдан ҳам она заммасига масъулият юклайди. Демак, она фарзандлараро муносабатлараро жараёнида кўнгилхушлик ва можароларнинг ҳаммасига шоҳид бўлади. Муҳими она бу жараёнларда ҳар бир фарзандга хос яхши ва ёмон хислатларни, қизиқиш, қобилият, интилишларини янада мукамал ўрганиш имкониятига эга бўлади,

уларнинг характерини тушинишга уларнинг ҳар бирининг қалб қаърига киришга ҳаракат қилади.

Боланинг ҳаракатига тез ва кескин баҳо бериш яхши натижаларга олиб келмайди. Агар боланинг ўз хатти-ҳаракатига ўзи мустақил баҳо берса юз берган ҳолатнинг (ижобий-салбий) моҳиятини ўзи англаб етса, бу хол сўзсиз унда ижобий ҳаракатларга мойиллик қилишни ўстиради.

Болани комиллик сари ундовчи муҳим воситалардан бири оиладаги катталарнинг, биринчи навбатда, ота-онанинг ибратидир. Биз доимо болаларни катталардан ибрат олишга даъват этамиз. Дарҳақиқат, ибрат олишга ундаги ота-боболаримиздан қолган ажойиб тарбия усули ҳисобланади. [18]

Шунинг учун ҳам комил инсон шаклланишининг асосий манбаи оила бўлиб, фарзандларнинг келажақдаги бахт-саодатига эришиш оила асосида вужудга келади. [8,12,13,18]

Бу борада буюк алломаларимиз Юсуф Ҳос Ҳожибнинг қуйидаги фикрлари бугунимиз учун ўта муҳимдир. Унинг фикрича, оиладаги ростлик, ҳаё, эзгулик ва гўзал хулқ, ёш авлоднинг бахтиёр келажагига мустаҳкам замин яратади («Бахт келтирувчи билим», - Т., 1990, 38-бет).

Кўриниб турибдики, улуғ алломанинг бу фикрлари бизнинг давримиз, бугунги ҳаётимиз учун ғоят муҳим аҳамиятга эга. Соғлом авлод келажагимиз устуни ҳисобланар экан, соғлом авлодни маънавий-ахлоқий жиҳатдан етук оилагина етиштира олади. [13,14,16]

Ўқув куни узайтирилган гуруҳларда тарбиявий ишларни ташкил этиш болаларда инсоний фазилатларни таркиб топтиришда тарбиячининг маҳорати, унинг ота-оналари билан яқиндан алоқада бўлиши муҳим аҳамиятга эгадир. Чунки тарбиявий иш оила билан мактаб ҳамкорлигида амалга ошириладиган мураккаб, масъулиятли ва шарафли вазифадир. Бу вазифаларнинг тўғри бажарилишидан ота-оналар ҳам, мактаб ҳам, жамоатчилик ҳам манфаатдордирлар. [18,24]

Шунинг учун тарбиячи билан ота-оналар ўртасида бўладиган муносабатлар ўзаро келишув, ҳурмат асосида бўлиши мақсадга мувофиқдир. Лекин бу ўринда тарбиячи киши рухий ҳолати ҳақида билимли сифатида болаларга ҳам, ота-оналарга ҳам онгли муносабатда, маданий муомилада бўлиши зарур.[18,28]

Айрим тарбиячилар ота-оналар билан фақат йиғилишлар-дагина учрашадилар. Шунинг учун бир-бирларига ўзаро обрў-эътиборлари, бир-бирларига ўзаро обрў-эътиборлари, бир-бирларига нисбатан ҳурмат етарлича бўлмайди. Ана шундай салбий ҳолатлар рўй бермаслиги учун ҳар бир ота-она билан яқиндан муносабатда бўлиб, ўзаро мақсадлари бирлигини тушинтириш зарур.

Эҳтимол, тарбиячи ўқувчининг уйига биринчи марта борганида унинг ота-онаси яхши кутиб олишмас. Кўпинча ўқитувчининг одоб-ахлоқи, ўзлаштириши ёмон бўлган оилада она шундай бўлиши мумкин.

Шунинг учун ўқитувчи биринчи учрашувга алоҳида тайёргарлик кўриб ўқувчининг дарс тайёрлайдиган хонаси, уйдаги хўжалик ишларига иштироки, нималарга кўпроқ қизиқади, кун тартиби сингари масалалар бўйича фикр юритиши зарур. Баъзи тарбиячилар ота-оналарни мактабга келиши учун тарбияга хилоф иш тутаяди. Масалан, «Боланинг папкаси, кундалик дафтари олиб қўйиб, ота-онани айтиб келсанг бераман» - дейдилар. Бундай муомала ота-оналар билан тарбиячи ўртасидаги муносабатни ёмонлаштиради. Оилада бола тарбиясига салбий таъсир қиладиган омиллар асосан ота-оналарнинг педагогик билимлари етарли эмаслигидан шахснинг ривожланиши қонунларини тушунмас-лигидан келиб чиқади. Педагогик ташвиқотнинг барча турлари ота-оналар тарбия соҳасидаги камчиликларни бартараф этиши, ўз фарзандларини янада яхшироқ ўрганишларига ёрдам беради. Бу тарбиявий ишларимизни талаб даражсига чиқишда муҳим ўрин тутаяди.[8,9,11,13,15,16, 17]

II боб. КИЧИК ЁШДАГИ ЎҚУВЧИЛАРДА АХЛОҚИЙ СИФАТЛАРНИ  
ШАКЛЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ТАЖРИБА-СИНОВ ИШЛАРИ

**2.1. Ўқув-тарбия жараёнида кичик ёшдаги ўқувчиларда ахлоқий сифатларни шакллантириш имкониятлари**

Маълумки, мактаб бу – таълим-тарбия ўчоғидир. Аммо, тарбиявий вазифалар асосан одобнома дарслари ёки дарсдан ташқари шароитларга мўлжаллаб амалга оширилади, тўғри, бу педагогик шарт-шароитлар, тарбия воситалари муҳим аҳамиятга эга эканлигини билдирувчи жараёнлардир. Ваҳоланки, тарбиянинг мақсад ва вазифаларини ҳал этишда асосий ташкилий шакл – бу дарсдир.

Ўқувчиларни тарбиялаш вазифаларини фақат одобнома дарсларида эмас, ҳар қандай фанни ўтиш жараёнида амалга ошириш мумкин. Бошқача қилиб айтганда, таълим ва тарбия бу яхлит, бир бутун педагогик жараёндир.

Бошланғич синфларда барча фанларни ўқитишда дидактик мақсадлар билан бир қаторда ўқитувчи тарбиявий мақсадини ҳам аниқ белгилаб олиши ва уларни ҳал этиши лозим. Масалан, математика - ақлий тарбиянинг, ўқиш, она тили - ахлоқий тарбиянинг, табиатшунослик – экологик тарбиянинг, меҳнат - иқтисодий ва меҳнат тарбиясининг, мусиқа - эстетик тарбиянинг, тасвирий санъат - бадиий тарбиянинг асосий воситалари бўлсада, бошқа тарбиялар билан ҳам яқин алоқадор бўлиб, бир-бирларини тўлдирадilar.

Амалиётда кўпчилик бошланғич синф ўқитувчилари нафақат тарбиявий, ҳаттоки таълимий мақсадларни ҳам олдиндан аниқ белгилаб олмайдилар. Уларнинг дарс-режа ишланмаларида тарбиявий мақсадлар кўйилмайдиган холлари ҳам учраб туради. Улар белгилаб олинган тақдирда ҳам умумий ҳарактерга эга бўлади. Масалан, дарснинг тарбиявий мақсади «ўқувчиларни ахлоқий тарбиялаш», «экологик тарбия бериш» каби умумий тушунчалар билан чекланади. Бир соатлик дарс давомида бутун бир экологик тарбия мақсадига эришиш мумкин эмаслигини ҳар қандай педагог тушунади. Демак, тарбия мақсади аниқ кўйилиши, у дарснинг ўқув материали мазмунидан келиб чиқиб олдиндан аниқ белгиланиши лозим.

Тарбия мақсади дарс жараёнида қанчалик аниқ бўлса, унга эришиш йўллари танлаш ҳам анча қулай бўлади. Юқорида тарбия мақсадларига эришиш учун бошланғич синф ўқитувчиси суҳбат, ҳикоя, намуна, уялтириш, топшириқ, машқ, рағбатлантириш каби тарбия усулларидан фойдаланиши мумкин. Масалан, «Сен ҳам ўртоғинга ёки уканга сумкангдан, қўлингдаги ширинликлардан берасанми ёки бермайсанми?», деган савол билан мурожат қилиб, ўқитувчи айрим ўқувчилардан аниқ жавоб олиши, айримларини уялтириши мумкин.

Математика дарсларининг турли характердаги ўқув материаллари мазмунидан келиб чиқиб ахлоқий тарбия вазифаларини бажариш имкониятлари мавжуд. Бошланғич синф ўқитувчиси математика дарслари, ўқув материаллари билан яқиндан танишган ҳолда уларнинг тарбиявий характерини аниқ белгилаб олиши ва ахлоқий тарбиянинг самарали усуллари тўғри танлаши лозим. Биз педагогик фаолиятимиз давомида ҳар бир бошланғич математика дарсининг ахлоқий тарбия мақсади ва вазифалари аниқ белгилаб олиб, тарбия усулларидан унумли фойдаландик.

Маълумки, ўқиш, она тили дарслари ўз мазмун ва моҳиятига кўра кучли ахлоқий тарбия воситаларидан саналади. Ушбу фанлар дарс мавзулари, Ватанни мадҳ этувчи, дўстлик, тўғрилиқ, ҳалоллик, жасурлик, мардлик, эзгулик сингари ғояларни илгари сурувчи ўқув материалларига бойдир. Ундаги эртак, достон, ҳикоя, ривоят, мақол, топшириқ, шеър, бадиий асар материаллари, матнларда кишининг инсоний фазилатлари юксакларга кўтарилиб, салбий фазилатлар эса қораланади. Ўқитувчи болаларнинг бадиий қаҳромонлар ижобий фазилатларидан намуна олишлари, салбий фазилатларидан эса нафратланишлари, уларни қарашларини чуқур тушуниб етишлари учун барча миллий тарбия усулларидан фойдаланиши керак.

Табиатшунослик дарслари ҳам кичик ёшдаги ўқувчиларда ахлоқий тушунча асослари, гўзал хулқ-атвор элементлари, ахлоқий-эстетик дид ва бошқа ижобий фазилатларни таркиб топтириш имкониятларига эга. Албатта, бунинг учун ўқитувчи ахлоқий тарбиянинг восита ва усулларидан унумли

фойдаланиши зарур бўлади. Жумладан, ижтимоий онгни, хулқ-атворни, ўз-ўзини тарбиялаш ва рағбатлантириш усуллари бунда юқори самара беради.

Меҳнат дарсларида ахлоқий тарбиянинг нафақат суҳбат, тушинтириш, балки намуна, машқ, топшириқ, мақташ, ўргатиш, одатлантириш, мусобақа каби усуллари юқори натижалар беради. Натижада ўқувчиларда меҳнатсеварлик, меҳнатга онгли ва ахлоқий муносабат, интизомлилик, меҳнатдан қониқиш ҳосил қилиш, меҳнат кишиси ва у яратган маҳсулотларга ҳурмат кабилар шаклланади.

Муסיқа ва тасвирий санъат дарслари ўқувчиларни ахлоқий тарбиялашда жудда катта аҳамиятга эга. Зеро, турли мавзулардаги куй ва кўшиқлар, тасвирий жанр асарлари ўқувчиларда табиатга, ватанга, миллатига, бошқа кишиларга, меҳнатга нисбатан ахлоқий-эстетик муносабатлар, тушунчаларни тарбиялашга хизмат қилади.

Одобнома дарслари ўз мавқеидан келиб чиқиб, бошланғич синф ўқувчиларини маънавий-ахлоқий тарбиялашга хизмат қилади. Бунда ўқитувчининг маҳорати, ахлоқий тарбия методларидан устакарона фойдаланиши муҳим аҳамият касб этади.

Узоқ ва бой тарихга эга бўлган халқимиз таълим-тарбия бобида улкан меърос яратиб, такомиллаштириб, юзлаб авлодларни инсонпарварлик, маърифатпарварлик, оқибатлилик, одоблилик, меҳнатсеварлик, мардлик каби умуминсоний қадриятлар ва фазилатлар руҳида тарбиялаб келган. Айниқса, халқ оғзаки ижодининг турли жанрларида яратилган бой педагогик меъросни ўрганиш ва ёш авлодларимиз онгига сингдириш вақти етди.

Абу Али Ибн Сино жамоадан, жамиятдан ажралиб, тарбия топган боланинг бахтсиз бўлиб қолишини таъкидлайди. Инсон оилада дунёга келгани билан жамиятга алоқадордир. Фаробий фикрича, инсоннинг ва жамиятнинг ғалабага эришуви, яхшилиқни қўлга киритиши, ахлоқий ва ақлий мукамалликка эришуви инсон ва жамоанинг ўз қўлидадир.

Тарбиявий соатларни яхши уюштириш орқали юқорида кўзда тутилган мақсадларга эришиш мумкин. Бундай дарсларнинг таъсирли, сифатли

бўлиши ўқитувчининг ҳар тарафлама пухта тайёргарлигига боғлиқ. Аксинча, режасиз ўтказиладиган машғулотлар ўқувчиларнинг у ёки бу соҳага бўлган кизиқишларини сўндиради ва заифлашишига олиб келади. Бундай муҳим талаблардан яна бири машғулотларнинг ўқувчиларнинг ёшига, индивидуал хусусиятларига ва билим даражаларига мос бўлишидир.

**«Одобнома»** дарсларидан намуналар келтирамиз

**Мавзу:** «Саломлашиш одоби»

Дарс Ўзбекистон мадҳияси билан бошланади. Ўқувчилар билан сиёсий савол-жавоблар ўтказилади:

- Ўзбекистон қачон мустақил бўлди?
- Мадҳия, герб, байроқни таърифлаб беринг.
- Ватан ҳақида шеърлар айтинг.
- Конституция қачон қабул қилинган?
- Конституция моддаларидан айтинг.

Янги мавзу асосида маъруза ўқилади.

Саломлашиб юриш – ҳар инсонга қарз ҳам фарз. Салом бериш – ислом динида ҳам суннат ҳисобланади.

«Ассалому алайкум» сўзи арабча сўздан олинган бўлиб, «Мен сизга тинчлик, соғлиқ-саломатлик тилайман» деган маънони билдиради.

Бу сўзни тўғри айта олиш, тўғри талаффуз қилиш зарур. Кичик ёшдаги ўқувчиларга, салом бериш одоби ҳақида тушунча бериш учун ҳам, эртақлардан, мақоллардан намуналар келтиришимиз мумкин.

Салом бериш эртақларда ҳам яхшиликлар келтиришини биламиз. Масалан, «Кенжа ботир» эртагида Кенжа ботир ялмоғизга дуч келади!

- Ассалому алайкум онажон дейди.
- Гар саломинг бўлмаса, икки ямлаб бир ютар эдим - дейди ялмоғиз.

Ялмоғиз қандай инсон эканлигини ҳам биламиз. Лекин кейинчалик у Кенжа ботирга ёрдам берди.

Салом ҳақида шеърлар, кўшиқлар, сахна кўринишлар ижро этилади. Ўқувчилар шеърлар ва кўшиқлар айтиб, сахна кўринишларида ҳар хил образларни ижро этиб ўз қобилиятларини ривожлантирадилар.

Дарс якунида салом ҳақида ривоятлар, ҳадислар ва мақоллар айтадилар.

Одобнома дарсларининг мунтазам равишда ўқитиб борилиши ўқувчиларнинг одоб-ахлоқи, тарбияли, ақлли бўлиб тарбия олишида катта ёрдам беради. Педагог ўқитувчилар учун ўқувчиларни тарбиялаш, уларнинг онгини ўстириш, комил инсон қилиб етиштириш жуда ҳам катта масъулият юклайди.

Одобнома дарслари ўқувчиларга турли ахлоқий тушунчаларни ёритиб беради ва уларга одоб-ахлоқдан чуқур билим беради.

Кичик ёшдаги ўқувчилар учун одобнома дарси жуда ҳам катта аҳамиятга эга. Ўқувчилар бу дарсга катта қизиқиш билан интиладилар, уни чуқур ўрганадилар.

**Мавзу:** «Ҳадислар ва ота-онага ҳурмат ҳисси»

Дарсинг мақсади: ўқувчиларнинг Қуръон ва Ҳадис ҳақидаги билимларини бойитиш, уларни инсонпарварлик, меҳр-оқибатлилик, ота-онага ҳурматда бўлиш каби эзгу фазилатлар руҳида тарбиялаш, виждонига ҳилоф иш тутмасликни уқтириш.

Дарсинг жиҳозланиши: Қуръони карим, Ҳадису шариф китоблари, ахлоқ-тарбияга оид манбалар, савол жавоб учун тайёрланган тарқатма материаллар, кўргазмали қуроллар.

Мавзунинг қисқача баёни:

Ҳадис нима? Имом ал-Бухорий ким? Унинг номи нима учун дунёга машхур? Ўқитувчи мавзунинг баённомасида аввало мана шу саволларга жавоб бериши керак. Ҳадис сўзи - арабчада «хабар», «ривоят» каби маъноларни ифодалайди. Ҳадислар ислом шариатида Қуръони каримдан кейин турадиган иккинчи манба ҳисобланади.

Ҳадисларда Ислом динининг имон-эътиқод, ахлоқ-одоб, ҳалоллик, ростгўйлик, инсоф-адолат, иззат-ҳурмат каби ғоялари улуғланганини кўрамиз.

Кибр ҳаво, ҳасад-адоват, бахиллик, ғийбат, манманлик, ёлғон-хиёнат, фитна-фасод, зулм, дилозорлик каби иллатлар Ҳадисларда кескин қораланади. Ҳадислар Пайғамбаримиз Муҳаммад Алайҳиссаломнинг турли шароитларда, турли воқеаларга нисбатан айтган сўзлари, кўрсатган йўл-йўриқлари, ўғитларидан иборатдир.

Ҳадисларни йиғиб китоб қилиш Пайғамбаримизнинг вафотларидан сўнг амалга оширила бошлади. Айниқса бу ҳаракат ҳижрий III асрда кенг қулоч ёйди, ҳаётга тадбиқ этилди.

Туркистондан етишиб чиққан буюк муҳаддис Имом ал-Бухорий ҳадисларни тўплашда айниқса улкан хизмат кўрсатган. У мелодий 810 йилда Бухоро шаҳрида туғилган. Ўткир зеҳнли, иродаси, Ҳадис илмига, инсонларни тўғри йўлга солишга меҳри туфайли ёшлигиданоқ Ислом оламида машхур бўлди ва чуқур из қолдирди.

Мадина, Ҳижоз, Басра шаҳарларида таҳсил олди. Бир неча йил Нишопур ва Ироқда яшади. Узоқ йиллар мусофирликдан сўнг она юрти Туркистонга қайтган Хожа Исмоил ал-Бухорий 62 ёшида Самарқанд шаҳри яқинидаги Хартанг қишлоғида вафот этади (871 й.).

Исмоил Бухорий кўплаб Ҳадис тўпламлари яратди, лекин уларнинг энг машхур асари «Ал-Жомеъ-ас-саҳиҳ», (ишонарли тўплам) китобидир. Бу китобга муҳаддис барча Ҳадислар ичида энг ишонарлиларини киритган.

«Ал-Жомеъ-ас-саҳиҳ» китобидаги жуда кўп ҳадисларда инсонлар ўртасидаги дўстона муносабатлар, ота-она ва фарзандларининг ҳақ-ҳуқуқларини эъзозлаш, меҳр-оқибатлилиқ улуғланади.

Ҳадислардан намуналар келтирамиз:

1. Абдуллоҳ ибн Умар (р.а) ривоят қилади. У киши: «Оллоҳ Таолонинг рози бўлиши отанинг рози бўлишига ва унинг ғазаби ҳам отанинг ғазабига боғлиқдир», - дедилар.

2.Муовия ибн Ҳайида (р.а) айтадиларки, Расулуллоҳдан: «Эй Расулуллоҳ, мен кимга яхшилик қилсам бўлади?» - деб сўрадим. «Онагга», - дедилар. Мен яна шу саволни уч маротаба қайтарсам ҳам, Расулуллоҳ: «Онангга», - деявердилар. Тўртинчи маротаба сўраганимда: «Отангга ва яна яқин бўлган қариндошларингга», - дедилар.

3.Абдулло ибн Аббосдан ривоят қилинди: «Қайси бир мусулмон фарзанди савоб умиди билан эрталаб ота-онасини зиёрат қилса, Оллоҳ Таоло унга жаннатдан иккита эшик очади. Агар улардан биттасини зиёрат қилса, унга жаннатнинг бир эшигини очади. Бола ота-онасидан қайси бирини хафа қилса, уни рози қилмагунча Оллоҳ Таоло ундан рози бўлмайди», - дедилар. Шунда бир киши: «Агар ота-оналар болаларга зулм қилса бола нима қилиши керак?» - деб сўради. Абдуллоҳ: «Агар улар болаларга зулм қилсалар ҳам бола уларни ранжитмаслиги керак», - дедилар.

4.Абу Ҳурайра (р.а) айтадилар: «Расулуллоҳ: Хор бўлсин, хор бўлсин, хор бўлсин!» деб уч маротаба такрор қилдилар. Шунда саҳобалари: «Ё Расулуллоҳ кимни айтаяпсиз?» - деб сўрашди.

Расулуллоҳ: «Ота-онасининг иккаласи, ёхуд битталари кексайиб қолган вақтида (уларни рози қилмай) ўзини дўзахга тушишига мубтало қилган кишини», - дедилар.

Ўқитувчи бу ҳадислардан намуналар келтиргандан сўнг унинг мазмун моҳиятини тушунтириб беради. Ўқувчилар билан ушбу ҳадислар ҳақида савол жавоблар қилинади. Улар мана шу мавзуга доир саҳна кўринишларини ҳам ижро этишади. Улар бу саҳна кўринишида ҳам ҳар хил салбий ва ижобий тимсолларни маромига етказиб ижро этишга интиладилар.

Хулоса шуки, ёш авлодни маънавий баркамоллик, гўзал ахлоқ-одоб, меҳр-шавқат руҳида тарбиялаш борасида Ҳадисларнинг тутган ўрни беқиёсдир.

Ўқитувчи яна бир бор мавзунинг мазмун-моҳиятини ўқувчиларга тушунтириб ўтади. Дарсни мустаҳкамлаш мақсадида ўртага мавзуга оид

турли саволлар ташлаши мумкин. Ниҳоят, ўқувчиларга ҳадисларни мустақил ўқишни тавсия қилади.

## **2.2. Синфдан ва мактаб ташқари ишларда кичик ёшдаги ўқувчиларни ахлоқий тарбиялаш восита ва усуллари**

Бошланғич синф ўқувчиларининг ҳар томонлама камол топишларида дарсдан ташқари педагогик шарт-шароитлар муҳим омил ва восита бўлиб хизмат қилади. Ўқувчиларнинг дарсдан бўш вақтларини унумли ўтказиш, ундан самарали фойдаланиш зарур. Синф раҳбарлари ва ота-оналар бу масалага алоҳида эътибор беришлари мақсадга мувофиқдир.

Амалиёт шундан далолат берадики, бошланғич синф раҳбари ўқувчилар жамоасини шакллантириш, уларнинг дарсдан бўш пайтларини самарали ташкил этиш фаолиятини ўзининг маънавий-маърифий иш режаси асосида олиб боради ва ташкил қилади.

Тажрибали бошланғич синф ўқитувчилари ўз маънавий-маърифий иш режасида тарбиянинг барча таркибий қисмларини (ахлоқий, эстетик, ақлий, ҳуқуқий, экологик ва ҳ.к) киритиш билан бир қаторда ташкилий тадбирларни ҳам кўзда тутди. Буларга қуйидагиларни киритиш мумкин: байрам кунларига бағишланган тадбирлар, тўғараклар, кўриклар, мусобақалар, музей, цирк, кино, теартларга бориш; саёхатлар, таниқли кишилар билан учрашувлар; суҳбатлар ва мунозаралар; бадиий фаолият ва бошқалар.

Тарбиянинг ушбу ташкилий шакл ва воситалари ўз-ўзидан ўқувчиларга тарбиявий таъсир кўрсатавермайди. Бунинг учун ўқитувчи-тарбиячи ўқувчилар янги ҳис-туйғу, ҳулқ-атвори, иродасига таъсир кўрсатувчи тарбия усулларида унумли фойдаланиши зарур.

Янги йил, Наврўз, мустақиллик, алифбе, 8 март каби байрам тадбирларига тайёргарлик ўтказиш жараёнида бошланғич синф раҳбари, ҳикоя, тушинтириш, насихат, рағбатлантириш, мақташ, намуна, машқ, ўйин топишмоқ, танбех бериш, ўз-ўзини тарбиялаш усулларида танлаш тўғридир.

Тўғараклар, кўрик, викторина ва мусобақаларни ташкил этишда ҳам тарбиячи ўқувчиларга ижобий таъсир этувчи усулларни танлайди: тушинтириш, талаб, мусобақа, намуна, машқ, топшириқ, мақташ, қўллаб қувватлаш, рағбатлантириш ва ҳ. к.

Биз амалий фаолият кўрсатадиган Сирдарё вилояти Гулистон шаҳар 8-ўрта умумтаълим мактаб таълим муассасасида бир неча тўғараклар, байрам тадбирлари, мусобақалар, кўриклар, саёҳатлар ташкил этилади. Кичик ёшдаги ўқувчилар бунга катта қизиқиш билан интиладилар.

Бошлинғич синфлар ўртасида «Камтарлик, нафосат, одоб-ахлоқ» мавзуларида викторина ўтказдик. Викторина қуйидаги шартларни ўз ичига олади:

1. Одоб-ахлоқ мавзусида сахна кўриниши.
2. Саволларга тўғри жавоб бериш.
3. Баҳор мавзусида расм чизиш.
4. Халқ мақолларини билиш.
5. Одоб-ахлоқ ҳақидаги Ҳадислар.

Викторинанинг биринчи шартида ўқувчиларни ўз ҳаётлари, мактаб ҳаёти воқеяликдан сахна кўринишлари бажаришади. Саҳнада юз бераётган воқеяликлар ўқувчилар хис-туйғуларига таъсир кўрсатади, ёмон хулқ-атворга эга бўлган образларга нисбатан нафрат, ижобий фазилатлар хатти-ҳаракатларга ҳавас уйғотади. Бунда намуна, тақлид усуллари қўлланилади.

Викторинанинг иккинчи шарти ҳам ўқувчилардан зийраклик, хушёрлик, топқирлик, талаб этади.

Викторинанинг учинчи шартни бажаришда ўқувчиларга расм чизиш, машқ, топшириқ бериш сингари тарбия усулларидадан фойдаландик.

Викторинанинг тўртинчи шартига кўра бир томондагилар бирор бир халқ мақолини бош қисмини айтади, иккинчи томондагилар уни давом эттиради. Бу шарт ўқувчилардан ўзбек халқ мақолларини пухта билишни талаб этиши билан бир қаторда, уларда топқирлик, ҳозиржавоблик, мустақил фикрлаш, мантиқий тафаккур қилиш қобилиятларини ривожлантиради, халқ

мақолларининг мазмун ва моҳияти эса ўқувчиларнинг ҳар томонлама камолга етишишларига таъсир кўрсатади.

Дарсдан ташқари ташкил этиладиган ҳар қандай тадбир, тарбия воситаларидан фойдаланишни ўқувчилар билан бирга уни таҳлил этишни, у ҳақда мулоҳаза юритишни, суҳбат ўтказишни тақозо этади. Шундагина у тарбия воситаси бўлиб хизмат қила олади ва ўқувчиларга ўз таъсирини ўтказади.

Бошланғич синфларда тадбирларни ташкил қилиш уларни ўтказиш, ўқувчиларда катта қизиқиш уйғотади. Бундай тадбирлар, эрталиклар, сахна кўринишлари ўқувчиларнинг қобилиятларини ошириб, уларнинг иқтидорларини ривожлантиришга ёрдам беради.

Байрам тадбирлари ўқувчиларни ахлоқий-эстетик тарбия олишда, уларга гўзаллик туйғуларини шакллантиришда яхши самара беради. Тадбирларда барча ўқувчилар катнашиб шеърлар, кўшиқлар айтиб ўзларининг қобилиятларини ривожлантиришади.

Тадбирларни, яни байрам тадбирларига «Соғлом авлод - бизнинг келажагимиз», «Устозлар - сизга таъзим», «Ватаним хурлигинг муборак», «Саводхонлик байрами» деб ном бериш ҳам мумкин.

Бу тадбирлар кичик ёшдаги ўқувчилар ва юқори синф ўқувчилари ўртасида ҳам бўлиши мумкин.

Кичик ёшдаги ўқувчилар учун дарсдан ташқари олиб борилаётган машғулотларга ўқувчиларга бебаҳо маънавий меросимиз ҳақида маълумотлар бериш ва шу орқали бой маънавиятга ҳурмат-эътибор руҳини сингдириш муҳимдир.

Ўзбек халқининг мақоллари, ҳикматли сўзлари, алломаларнинг ўғитлари ана шу жараёнга хизмат қилади. Зеро, мақол ва ҳикматларда миллий истиқлол мафкурасининг тарихий асослари мужассамлашгандир. Ўзбек тилини ўрганиш жараёнида биз кичик ёшдаги ўқувчиларга ҳам ана шу қадриятларни сингдираемиз.

Кичик ёшдаги ўқувчиларга дарсдан ташқари машғулотларда, мавзуга мос халқ мақолларини эслаб айтишга одатлантиришда «Зарбулмасал» уйининг аҳамияти катта. «Зарбулмасал» мақоллар топиш ўйини бўлиб, ундан дарснинг мустаҳкамлаш босқичида, баъзан эса кириш машғулотида ҳам фойдаланиш мумкин. Чунки, мақол халқ донишмандлигининг лўнда ва ихчам ифодаси саналади.

Улар ўқувчини изчил, мантикий фикрлашга, мақсадини қисқа баён этишга ўргатади. Мақоллар ўзбек тилининг энг бой, гўзал, нозик бадий хусусиятларини билиб олишида ва сўз бойлигини оширишда катта ёрдам беради, ўқувчилар нутқини ўстиради.

Ўзбек халқ мақоллари турли мавзулар асосида ўрганилиши мумкин. Шунингдек, дарсдан ташқари мустақил ёки ижодий иш сифатида ўқувчига бир неча мақоллар мазмунига мос келувчи суратларга шарҳ ёздириш ҳам фойдадан ҳоли эмас.

«Булбул чаманни севар - одам Ватанни», «Дарахтни ер кўкартиради, одамни эл кўкартиради», «Она юртинг - олтин бешигинг», «Эли бақувватнинг, бели бақувват», «Олтин олма - дуо ол», «Қўшнинг тинч - сен тинч», «Меҳнатдан келса бойлик - турмуш бўлар чиройлик», «Меҳнат - меҳнатнинг таги роҳат», «Меҳнат қилсанг роҳат кўрасан», «Одам ватанни севар - булбул чаманни» каби мақолларни ўқиб бериш мақсадга мувофиқдир.

Уларни ўрганган ўқувчи келаси дарсга ўзи ҳам мустақил равишда шу мавзудаги мақоллардан топиб келади ва уларни изоҳлаб беради.

Ўйин пайтида суҳбатдошига таъсирчан гап айтиш учун қайси мақолни келтирган маъқул деган топшириқ ҳам берилади. Кичик ёшдаги ўқувчилар учун бу топшириқ зеҳни ўткирликни, ҳозиржавобликни, изланувчанликни, қизиқишни, масъулиятни сезишни тақозо этади.

«Сўз кўрки - мақол» - деб номланган кўрик танловлар, интеллектуал мусобақалар ўтказиш мумкин. Бу мусобақаларда мақолнинг туб маъносини тушуниб етган, энг кўп мақол биладиган, унинг аҳамиятини шарҳлаб берадиган ўқувчилар алоҳида рағбатлантирилади. Гуруҳлар бу

мусобақаларга мақоллар мавзусида деворий газеталар, альбомлар, буклетлар ва тасвирий кўргазмалар билан келадилар. Топишмоқлар ва тез айтишлар, эркаламалар, овуимачоқлар каби ихчам жанрлардан ўринли фойдалана олиш ҳам яхши тарбиявий самара беради. Бундай танловлар ҳар доим ҳам кичик ёшдаги ўқувчилар тарбиясига жуда катта таъсир ўтказди, уларнинг фикр доирасини кенгайтиради.

Мактаб ёшидаги ўқувчиларга фақатгина мактабда олиб борилаётган тарбия, дарс, машғулотлар билан чекланиб қолмай, оилада ҳам ўқувчилар учун ўз таъсирини ўтказадиган шароит, муҳит, тарбия, муносабат ҳам кичик ёшдаги болалар учун катта таъсир ўтказди.

Таълим тизимининг ютуғи – бу жамиятга теран фикрловчи, мустақил иш юритувчи ўзига ишонган шахсни етказиб бериш билан белгиланади.

Мамлакатимизда таълимнинг самарадорлигини таъминлаш жараёни нафақат унга қабул қилинаётган болаларнинг ақлий ва жисмоний имкониятларини аниқлашдан иборат, балки уларнинг ички дунёси, рухий олами, қизиқиш ва интилишлари, умуман барча муаммоларини ўрганишни тақозо қилади. Ҳурматли Президентимиз «Соғлом авлод дунёга келади», деб таъкидлаганидек, амалиётчи психологлар бола тарбияланаётган оиланинг жамиятдаги ўрни, ундаги психологик муҳит, оила аъзоларининг ўзаро муносабатлари, боланинг ота-онаси, ака-укалари, опа-сингилларига муносабати ва аксинча уларнинг болага муносабати, унинг оиласидаги ҳаётга мослашиши, уни шахслараро муносабатларни қандай идрок қилишини ҳам эътиборга олишлари лозим. Чунки бу омиллар соғлом авлодни шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга.

Кичик ёшдаги боланинг онасига нисбатан бўлган ҳиссий муносабатлари отага қараганда юқориқлиги бу даврда боланинг асосан она таъсирида бўлишлиги билан боғлиқ ва умумлашгандир.

Ҳозирги замон ўзбек оиласида ота-она ва фарзандлар ўртасидаги муносабатларда анъанавий ёндашувлар билан бирга, ижтимоий ҳаётимизнинг янги ишлаб чиқариш муносабатлари, илғор технология-

ларнинг одамларга кўядиган талабларидан келиб чиқадиган айрим ўзгаришларнинг таъсири ҳам сезилиб туради. Уларнинг борлиги ўзини яққол исбот қилиб беради.

Ҳозирги замон оилаларида ота-оналарнинг аксарияти давлат ишлари билан бандлиги сабабли ўғил болалар учун оилада ота-оналари ўзаро мулоқотда бўлувчи асосий оила аъзолари ҳисобланади ва улар ўзларининг кўп вақтларини укалари билан бирга ўтказадилар. Бола ўзлигини англай бошлашаданоқ, ўз ака-опалари қуршовида бўлар экан, кейинчалик ҳам, яъни мактабга борган ва ундан кейинги даврларда ҳам унга нисбатан ҳиссий яқинликни ҳис қилаверади.

Боланинг бир ховлида бува-буви ва бошқа қариндошлари билан бирга яшаши уларга нисбатан бўлган муносабатларининг ўзига хос тарзда шаклланиш имконини беради.

Болаларнинг барчаси ижтимоий-тарихий, этник омиллар таъсирида бўлади. Илгаридан қишлоқда яшаган, у ернинг шароити муҳитига ўрганган ўзбек оилаларида ижтимоий муҳит таъсирида этник қадриятлар аҳамияти катта бўлган.

Қишлоқда ўқитувчи, устозга нисбатан ҳурмат шаҳардагига нисбатан анча юқори. Қишлоқдаги ота-оналарнинг ўқитувчига нисбатан ижобий муносабати, шубҳасиз, фарзандлари ҳулқига ҳам кўчади. Бундан ташқари болаларнинг синфдан ва мактабдан ташқаридаги фаолиятида ҳам ўқитувчи, тарбиячиларнинг иштироки кўпроқ кузатилади.

Шаҳар шароитида эса боланинг бу фаолиятини ташкил қилиш бошқа маданий-маърифий муассаса ходимлари зиммасида бўлади.

Бу каби омиллар шаҳар болаларида ўқитувчига нисбатан ҳиссий яқинлигининг қишлоқлик тенгдошларига қараганда сустроқлигига сабаб бўлиши мумкин. Шунингдек ҳар бир кичик ёшдаги бошланғич синфларда ўғил болаларнинг мактаб шароитига мослашиши ҳам, ўқув материалларини ўзлаштириши ҳам қизларга нисбатан қийинроқ кечади.

Мактаб шароитига мослашиш, у ердаги таълим-тарбия жараёнларида юзага келадиган «қийинчиликлар» бу даврда ўқитувчи сиймосини ўғил болалар томонидан салбийроқ қабул қилинишига сабаб бўлади.

Турли ахборотномаларга бой, урбанизациялашган шаҳар шароити у ерда ўсаётган болаларда қизиқувчанликнинг ривожланишига сезиларли даражада таъсир кўрсатади.

Ўзбек оиласининг этник хусусияти нуқтаи-назаридан келиб чиққан ҳолда оилада ўғил болаларни «маскулизм» (яъни эркак кишининг етакчилиги, устунлиги) руҳида тарбияланиши уларнинг ҳаётида устунликка ва етишмовчиликка интилиш хусусиятларини вояга етишига сабаб бўлади.

Ҳақиқатдан ҳам ўзбек оилаларида қиз болаларни мурғаклигиданок тергаб доимо назоратда ушлаб туриш, ўз ҳолича ўртоқлари билан сайр-саёҳатга чиқиб кетишига йўл қўймаслик ўз билишича иш қилмаслик кабилар хосдир. Қиз болага нисбатан бундай таъқиқларнинг кўпроқ «тадбиқ» қилиниши, уларда фрустратив муносабатларнинг ўғил болалардагига нисбатан кучлироқ шаклланишига асос бўлади ва уларда намоён бўлади.

Маълумки, қишлоқ жойларида тарбияланган болалар (айниқса ўғил болалар) тортинчоқлиги, ўзини четга олиши каби хислатлари билан фарқланиб турадилар. Шу сабабли ҳам уларда мулоқотга киришувчанлик, ўзаро муносабатлар ва мулоқот тизимида ёлғиз қолишга интилиш, ўзини четга олиш хислати сезиларли даражада кучлироқ намоён бўлади.

Ушбу кузатувларимизга қўшимча тарзда айрим тавсияларни ҳам билиб олишимиз зарур.

Кичик мактаб ўқувчиларини ўқув жараёнига мослаштириш, уларнинг фанларни яхши ўзлаштиришларини таъминлаш учун мактаб психологлари қуйидаги тарбиявий ишларни ҳамда яқка ҳолда ёндашув услубларини амалга оширишса маъқул бўларди. Бу ёшдаги болаларнинг оила аъзолари билан бўладиган ўзаро муносабатларини мақсадга мувофиқ ташкил қилиш учун қишлоқ жойларидаги оилалардаги тарбияланаётган ўғил болаларнинг ҳам отасига, ҳам онасига нисбатан бўладиган муносабатларига алоҳида эътибор

бериш, ўз навбатида ота-оналарнинг ўғилларига нисбатан ҳиссий муносабатини ошириш, улар билан кўпроқ амалий мулоқотда бўлишликларини таъминлаш лозим ва мулоқотда бўлиши зарур.

Демак, кичик ёшдаги мактаб ўқувчиларида таълим мазмунида миллий гурур, инсон шаъни, инсонга меҳр-муҳаббат, одамийлик, тўғрилиқ, мардлик каби инсонпарварлик ғояларини шакллантириш муҳим аҳамиятга эга. Ватанпарварлик иймон, эътиқод ва виждон амри билан ватан олдидаги масъулият ҳиссини, муқаддас бурчни англашдир. Ватанпарварлик, Ватанга ҳурмат ва муҳаббат билан боғланган туйғу сифатида шаклланади. Кичик ёшдаги ўқувчиларни тарбиялашда ўзбек халқ мақоллари ва шеърят ҳам муҳим рол ўйнайди, уларга тарбиявий таъсири катта. Биринчи синфга келган ўқувчи савод ўргатиш давридаёқ, дастур талабига мувофиқ атроф-муҳитни кузатиши ва саёҳатлар вақтида теварак-атроф ҳақида жонли таъсуротлар олиши керак. Бу болалар тасаввурини кенгайтиради, сўз бойлигини оширади, нутқини ўстиради.

Бошланғич синф ўқувчиларини саёҳатга олиб чиқиш, уларни атроф-муҳит билан таништириш, синф машғулотларида олган билимларини кундалик ҳаёт билан боғлаш, такрорлаш ва мустаҳкамлаш, янада бойитиш, тушунчаларни яхлитлашга хизмат қилади. Болаларга турли хил саёҳат атрофдаги ҳодисаларнинг ўзаро боғлиқлиги сабабларини очиб бериш учун жуда муҳим. Ўқувчилар кўрган-билганларини аниқлаш, ўлчаш-ҳисоблаш ишларини она тилларида олиб борадилар, яъни сўз терминлар билан танишадилар, уларни ҳисоб-китоб жараёнидаги нутқларида қўллайдилар, текшириб кўрадилар. Масалан, 1 синфдаги табиатни кузатиш вақтида ҳар бир фаслнинг ўзига хос белгиларини аниқлайдилар. Мисол: Куз фаслида совуқ тушиши, дарахт барглари рангидаги ўзгариш, кишиларнинг кузги ишларини бажаришлари билан баробар, куннинг қисқаришини ҳам ҳисоблаб чиқадилар. Меҳнат дарслари билан боғлиқ ҳолда ўқувчилар мактаб яқинидаги корхоналар яъни, завод, устахона, маиший хизмат кўрсатиш корхоналари, почта бўлими, қишлоқ жамоа хўжаликлари, таъмирлаш устахоналари, ўрмон

саноати хўжалиги, қурилиш майдонларига бориб, уларнинг иши билан танишадилар.

Муסיқа дарсларидаги ишлардан бири дарсдан ташқари ташкил қилинадиган турли тадбирлар, табиатга сайр қилишдан иборатдир. Ўқувчилар табиат, болалар ҳаёти, Ватан ҳақидаги ашулаларни биринчи синфдан бошлабқ ўрганадилар. Улар «Пахтаой», «Ёмғир-ёғалок», «Бинафша» каби ашула ва болалар ўйинини, иккинчи синф ўқувчилари «Лайлак қор», «Чаманда гул» каби учинчи синф ўқувчилари «Қуёш билан турамиз», «Ватан ҳақида қўшиқ» каби ашулаларни ўрганадилар. Бундай ашулалар ва ўйинлар ўқувчиларни саёҳат вақтидаги руҳини шод, ҳаётини қувноқ ўтишга хизмат қилади. Бу билан атроф-муҳит тўғрисидаги тасаввурларини равшанлантиришга хизмат қилади. Чунки, алоҳида таъкидлаш зарурки, она тили барча предметларни бириктирувчи, ўқувчилар билимини яхлитловчи хусусиятга эга бўлган дарсдир. Чунки ҳамма дарслар она тилига таянган ҳолда ўрганилади, фикрлар, она тилидаги матнларда юзага чиқади. Натижада ана шу билимлар ёзма равишда яъни баён, иншо ёзиш орқали пухталанади. Бошланғич синфларда ўқувчилар иншоси уч манбага таянади. Ана шу уч манбанинг биттаси ўқувчиларнинг ҳаётий кузатишларидан иборатдир. Бошланғич синфларда ҳаётий кузатишлар ҳамма предметларни ўрганиш жараёнида олиб борилади ва она тилига оид нутқ ривожининг синови бўлган ижодий ёзма ишларда жамланади ва баҳоланади. Демак, бошланғич синфларда саёҳатлар ҳамма фан учун самарали натижа бериши турган гап.

## ХУЛОСА ВА МЕТОДИК ТАВСИЯЛАР

Бугунги кунда республикамиз узлуксиз таълим тизимининг барча бўғинларида ўқувчи-ёшларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш ишларини самарадорлигини ошириш, ҳар томонлама етук, юксак маънавиятли баркамол шахсни вояга етказиш долзарб муаммолардан бири бўлиб турибди.

Кичик ёшдаги мактаб ўқувчиларида ахлоқий фазилатларни шакллантириш восита ва усуллари юзасидан олға сурган тадқиқот фаразимиз ўз исботини топди ва биз ушбу муаммо бўйича изланишларимиз натижасида куйидаги хулосаларга келдик.

1. Кейинги йилларда таълим соҳасида ўқитишнинг замонавий педагогик технологиялари, ахборот технологиялари муаммоларига эътибор қаратилиши билан бир қаторда, маънавий-ахлоқий тарбия масалалари ҳам давлат сиёсати даражасидаги энг устивор вазифалардан бирига айланди.

2. Мавжуд маънавий-ахлоқий тарбияга доир тадқиқот ишлари катта ёшдаги ўқувчилар ва талабаларга йўналтирилган бўлиб, кичик ёшдаги ўқувчиларда ахлоқий фазилатларни шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари, уни амалга оширишнинг самарали восита ва усуллари тўлақонли ўрганиш зарурати туғилмоқда.

3. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда ахлоқий фазилатларни шакллантиришга асос бўлиб хизмат қилувчи восита, омил ва усуллар борасида етарлича тажрибалар мавжуд. Халқимиз бола тарбияси соҳасида каттагина тажрибага, бой маънавий-ахлоқий кадриятларга, анъаналарга, тарбиянинг миллий усуллари ва воситаларига эга.

4. Бугунги кунда тарбиянинг **бош мақсади** – ҳар томонлама етук, баркамол шахсни шакллантиришдир. Ушбу мақсадига эришиш учун миллий-мафкуравий, ҳуқуқий, ақлий, ахлоқий, меҳнат, эстетик, иқтисодий, экологик, жисмоний тарбия вазифаларини амалга ошириш лозим. Баркамол шахсни шакллантиришда ахлоқий тарбия марказий ўринларда туради.

5. **Ахлоқ** – ижтимоий онгининг муҳим бир шакли бўлиб, ижтимоий ҳаётнинг ҳамма соҳаларида инсоннинг хулқ-атворини тартибга солиб турадиган принциплар, талаблар, меъёрлар ва қоидалар мажмуидир. Ахлоқда жамиятда таркиб топган «яхшилик», «шараф», «ватанпарварлик», «виждон», «адолат», «тўғрилиқ», «ҳалоллик», «поклик» сингари тушунчаларнинг барчаси ҳам баҳоланувчи характерга эга.

6. Ўқувчиларни ахлоқий тарбиялашнинг **бош мақсади** – уларнинг жамиятга, ватанга, меҳнатга, атрофдаги кишиларга ва ўз-ўзига нисбатан ахлоқий муносабатларни шакллантиришдан иборатдир. Зеро, кишининг тарбияланганлик даражаси унинг муносабатларида, яъни, ҳис-туйғу, тушунчалари, хатти-характларида намоён бўлади.

7. Бошланғич синф ўқувчиларида ахлоқий фазилатларни шакллантиришда қуйидаги **вазифаларни** белгилаб олиш мақсадга мувофиқдир:

- жамиятга, Ватанга муҳаббат ва садоқатни тарбиялаш;
- меҳнатга ахлоқий муносабатни тарбиялаш;
- атрофдаги кишиларга ахлоқий муносабатни шакллантириш;
- ўз-ўзига нисбатан ахлоқий муносабатни шакллантириш.

8. Мактабда ахлоқий тарбия ўқув жараёни билан қўшиб олиб борилиши мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун ўқитувчининг маънавий-педагогик маҳорати анча юқори бўлиши, ўқитувчилар жамоаси ҳамжихат бўлишлари, ижобий муҳитнинг яратилиши, ҳар бир дарс имкониятларидан унумли фойдаланиш зарур.

9. Кичик ёшдаги ўқувчиларда маънавий-ахлоқий фазилатларни шакллантиришда халқимизнинг бой миллий қадриятларидан тарбия воситаси сифатида унумли фойдаланиш юқори самара беради. Ўқув предметлари материалларида бундай қадриятлар ўз ўрнини топган, ўқитувчи эса уларни янада кенгайтириши ва бойитиши керак бўлади.

10. Ўқувчиларда ахлоқий фазилатларни шакллантиришда тарбиянинг маълум **принциплари (тамойиллари)**га амал қилиши лозим: тарбиянинг аниқ мақсадларга қаратилганлиги; унда инсонпарварлик ва демократик

принцип; тарбияда миллий ва умумбашарий қадриятларнинг устиворлиги; ўқувчиларнинг ёши ва шахсий хусусиятларини ҳисобга олиш; изчиллик, тизимийлик, узвийлик; ҳурмат ва талаб бирлиги; тарбиянинг ҳаёт ва амалиёт билан боғлиқлиги; мустақиллик, ҳаваскорлик ва ташаббускорликни қўллаб қувватлаш каби.

11. Ўқувчиларда ахлоқий фазилатларни шакллантиришда тарбиянинг бир қанча усулларидан фойдаланиш мумкин. **Тарбия усуллари** – бу баркамол шахсни шакллантириш мақсадида унинг онги, иродаси, ҳис-туйғулари, хулқ-атворларига таъсир кўрсатиш йўлларидир. Маънавий-ахлоқий фазилатларни шакллантирувчи усулларга қуйидагиларни киритиш мумкин: суҳбат, ҳикоя, панд-насихат, тушунтириш, намуна, ўғит, ундаш, кўндириш, илтимос, тилак-истак билдириш, маъқўллаш, раҳмат айтиш, дуо қилиш, оқ йўл тилаш, таъқиқлаш, таъна, гина, танбех, мажбур қилиш, койиш, уялтириш, кўрқитиш, нафратланиш, рағбатлантириш, жазолаш, ўз-ўзини тарбиялашга ўргатувчи усуллар ва ҳ.о.

12. Ахлоқий тарбия усуллари *тўртта гуруҳга* бўлиш мумкин: ижтимоий онгни шакллантирувчи; ижтимоий хулқни шакллантирувчи; рағбатлантирувчи ва жазоловчи; ўз-ўзини тарбияловчи усуллар. Уларнинг ҳар бири бир неча тарбия усуллари ўз ичига олиб, бир-бирини тўлдирди ва бойитади. Бир пайтнинг ўзида бир неча тарбия усуллари ҳам қўллаш мумкин.

13. Оиладаги тарбия муҳим омил эканлигини ҳисобга олиб, бошланғич синф ўқитувчисининг ота-оналар билан ҳамкорлигида иш олиб боришлари катта аҳамият касб этади.

14. Кичик ёшдаги ўқувчиларда ахлоқий фазилатларни шакллантириш дастлаб таълим жараёнида амалга оширилади. Ҳар бир фаннинг ўқув материаллари маънавий-ахлоқий тарбия мақсадларига ҳам хизмат қилади. Бундай имкониятга нафақат одобнома, она тили, ўқиш, мусиқа, тасвирий санъат, балки меҳнат, табиатшунослик, математика дарслари ҳам эга. Аммо, бу ўқитувчидан катта маҳоратни, жиддий тайёргарликни талаб этади. У

дарсга тайёргарлик кўришда фақат таълимий мақсадларни белгилаб олиш билан чекланмасдан, балки тарбиявий мақсадларни ҳам аниқ белгилаб олиши лозим бўлади. Идентив тарбиявий мақсадларга эришиш йўллари, восита ва усуллари ҳам ўринли қўллаши кўзда тутилади.

15. Ўқувчиларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш ишларини синфдан ва мактабдан ташқари тадбирлар тўлдиради. Синф раҳбари сифатида бошланғич синф ўқитувчиси бу йўналишда аниқ иш режасига эга бўлиши ва уни амалга ошириш чора-тадбирларини қўллаши лозим бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: «Маънавият», 2008
2. Каримов И.А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевор. – Т.: «Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг Бош тахририяти, 1997. – 63 б.
3. Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси. - Т.: 1998.
4. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. - Т.: «Ўзбекистон», 1994
5. Каримов И.А. Истиқлол ва маънавият. – Т.: «Ўзбекистон», 1994. – 165 б.
6. Каримов И.А. Ўзбекистон келажаги буюк давлат. – Т.: «Ўзбекистон», 1992
7. Абдуллаева Қ. А., Очилова М.О. ва бошқалар. Бошланғич таълим концепцияси. Бошланғич таълим. 1998, №6-сон., 12-22 бетлар.
8. Абдулла Авлоний. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. – Т.: «Шарқ» 1992. 35-б.
9. Абдуллаева Қ. ва бошқ. Одобнома. 2-синфлар учун дарслик. – Т.: «Шарқ» 2001
10. Алоуддин Мансур. Куръони Карим. Ўзбекча изоҳли таржима. –Т.: «Мерос» 1992
11. Жўраев А.К. Тарбиявий дарсларни ўтиш. Т.: «Ўқитувчи», 1994
12. Жўраева Д. Ўғил ва қиз болалар одоби. Бошланғич таълим. – Т.: 1992, № 3-4 сон. 8-9 бетлар.
13. Зуннунов А. Ўрта Осиёда педагогик фикр тараққиётидан лавҳалар.–Т.: «Ўқитувчи», 1996
14. Зуннунов А. Педагогика тарихи. – Т.: «Ўқитувчи», 2000
15. Имом Исмоил ал-Бухорий. Ҳадис. 1-4 китоблар. – Т.: «Мерос»,1994.
16. Искандаров Х. ва бошқалар. Ўзбек педагогикаси антологияси. I-II жилдлар. – Т.: «Ўқитувчи», 1995, 1999.
17. Мавлонова Р. ва бошқалар. Педагогика. – Т.: «Ўқитувчи», 2001
18. Мунавваров А.К. Оила педгогикаси. – Т.: «Ўқитувчи», 1994
19. Муҳаммад Ибн Мусо ал-Хоразмий. Танланган асарлар. – Т.: «Фан» 1983
20. Мунавваров А.К. Педагогика. – Т.: «Ўқитувчи», 1996
21. Очилов М. Ўқитувчи одоби. – Т.: «Ўқитувчи», 1994

22. Петровский А.В. Умумий психология. – Т.: «Ўқитувчи», 1992
23. Темурнома. – Т.: «Чўлпон», 1990
24. Турсунов И., Нишоналиев У. Педагогика курси. – Т.: «Ўқитувчи», 1997
25. Убайхўжаев Д. Халқ оғзаки ижодидан фойдаланиш. Бошланғич таълим. 1999, №3-сон, 26-27 бетлар.
26. Фарберман Л.Б. Илғор педагогик технологиялар. - ГулДУ., 1999
27. Ҳошимов К. Педагогика тарихи. – Т.: «Ўқитувчи», 1996
28. Халқ педагогикаси – инсон камолотининг асоси. 1-5 китоб. – Т.: «Ўқитувчи», 1992
29. Шожалилов А. ва бошқ. Ўқиш китоби. 4 синф учун дарслик. – Т.: «Ўқитувчи», 2000
30. Эргашев А., Ҳакимов Д. Достонлар – одобнома дарслиги. Ўзбек халқ донишмандлиги сабоқлари. – Т.: «Мерос», 1993
31. Қурбонов Т. Одобнома. – Т.: «Ўқитувчи», 1995
32. Ҳасанбоева О. ва бошқ. Одобнома. 4 синф учун дарслик. – Т.: 2001
33. Ҳасанбоева О. Педагогика тарихидан хрестоматия. – Т.: «Ўқитувчи», 1993
34. Ҳикматлар (Девони ҳикмат) – Т.: «Ғ. Ғулом номидаги адабиёт ва санъат», 1990
35. WWW. amazon.com
36. WWW. iet. mesi. ru
37. WWW. adpima. com
38. WWW. iet. mesi.ru
39. WWW. sciontologu.org. ru